



43
(1465)-son
13-noyabr
2020

Хабар

ERURSEN SHO'H, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

ХУШХАБАР

Андижонда "ЎзМобайл"нинг савдо офиси янгиланди **2-бет**

ДАСТУРЛАШ ҲАММА УЧУН

"One million Uzbek Coders" курсларини тўлиқ ўрганишга қарор қилган бир оила тарихи **5-бет**

ОНЛАЙН-УРОК

UZTELECOM представляет облачную платформу видеоконференцсвязи UZCLOUD.UZ **6-стр.**

ОДОБ, АДАБ, ОДАМ

Авалло ўзингиздан уялинг! **9-бет**

ҲАЁТ СЎҚМОҚЛАРИДА

Дадалар... Уйга қайтадилар! **10-бет**

ҚОРАБОҒ СУЛҲИ

Бу ҳақда хориж матбуоти ва сиёсатчилар фикри қандай? **13-бет**

МАСЛАҲАТ

Артритдан азият чекаясизми? **16-бет**

Жиззахда IT-Парк филиали очилди

Жорий йилнинг 11 ноябр куни Жиззах шаҳрида IT-Парк минтақавий филиалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу режалаштирилган 14та филиалнинг тўртинчиси бўлиб, улардан учтаси Гулистон, Марғилон ва Андижонда очилганди.

IT PARK
START local & GO global



ТИББИЁТ ВА АКТ

"103.Meddata.uz" тез ёрдамни янада тезлатади

Тез тиббий ёрдам қанча тез бўлса, шунча яхши. Биринчи ёрдам кўрсатишни янада тезлаштириш, бу тизимда ахборот технологияларини қўллаш бугунга келиб янада долзарблашиб бормоқда. Тез тиббий ёрданинг қанчалик вақтида етиб бориши инсон тақдири билан боғлиқ. Шу сабабли ҳам республикамиздаги барча тез тиббий ёрдам марказлари замонавий технологиялар билан босқичма-босқич таъминланмоқда.



ИНТЕРНЕТ Фойдаланувчилари Сони энг кўп мамлакатлар (ТОП-9)

(Қавс ичида — мамлакат аҳолисига нисбатан)

1. Хитой — 854 млн. (59%)
2. Ҳиндистон — 560 млн. (41%)
3. АҚШ — 313,3 млн. (95%)
4. Индонезия — 171,2 млн. (62%)
5. Бразилия — 149 млн. (70%)
6. Нигерия — 126 млн. (61%)
7. Япония — 118,6 млн. (94%)
8. Россия — 116,3 млн. (79%)
9. Бангладеш — 94,2 млн. (57%).



Манба: Visualcapitalist.com

Judadan
umagacha



6 ноябр кун Президент Шавкат Мирзиёев раислигида соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бугинини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиндаларининг вазифа ва функцияларини қайта кўриб чиқиш, оилавий шифокор институтини кенг татбиқ этиш, тиббий ёрдам қамровини кенгайтириш ва бошқа муҳим масалалар муҳокама қилинди.

7 ноябр кун Бухоро вилояти ҳокимлиги мажлислар залида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. "Ўзурилишматериаллари" уюшмаси раиси лавозимида фаолият олиб борган Ботир Зарипов вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тайинланди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 ноябр кун Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклида ўтган навбатдаги мажлисида иштирок этди. Видеоанжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг доирасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган қатор долзарб ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, Давлатимиз раҳбари томонидан иқтисодий ўсишни таъминлашда ахборот технологияларининг роли ортиб бораётгани қайд этилиб, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва аҳолини ўқитишга қаратилган ШХТнинг рақамли саводхонликни ривожлантириш бўйича дастурини ишлаб чиқиш таклифи берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 10 ноябр кун Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

11 ноябр кун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Афғонистон Ислам Республикаси Миллий ярашув олий кенгаши Раиси Абдулла Абдуллани қабул қилди. Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик ҳамда Афғонистондаги можарони тинч йул билан ҳал этишнинг долзарб масалаларни кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозғоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқоевнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Сўхбат чоғида давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар. Президентлар Марказий Осиё минтақасидаги вазиятнинг ривожланиши юзасидан, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, шу жумладан, МДҲ ва ШХТ доирасидаги мулоқотни кенгайтириш бўйича фикр алмашдилар.

Пандемия шароитига қарамай, иқтисодий тиклаш ва ривожлантириш, одамлар ҳаётини ахшилаш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда. Худудларда янги корхоналар, тураржойлар бунёд қилинмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев шундай ишлар билан танишиш мақсадида 12 ноябр кун Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган "Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор эълон қилинди.

Жиззахда IT-Парк филиали очилди



Очилиш маросимида Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Салиев, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ўринбосари Бахромжон Олматов, Ўзбекистон Президентининг ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Отабек Ҳасанов, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Маниш Прабхат ва IT-Парк директори ўринбосари Баҳодир Аюповлар иштирок этишди.

Жиззахдаги IT-Парк филиали Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, яъни Жиззах вилояти ҳокимлиги олти қаватли биносининг иккинчи қаватида жойлашган.

Филиал 24/7 тартибда фаолият юритиб, у ерда чет эллик шериклар ва турли компаниялар билан мустақкам алоқалар ўрнатилди.

Бундан ташқари, IT-Паркнинг Жиззах худудидида IT-марказ ҳам очилди, бу исталган кишига IT соҳасидаги фан ва касбларни ўрганиш имкониятини беради: компьютер саводхонлиги, дастур-

лаш, Web-дизайн, график дизайн, мобил робототехника, киберспорт турлари, IT-инглиз тили ва бошқалар.

IT-Паркнинг Жиззах филиалига ўқув хоналари ва киберспорт синфлари учун 43та компьютер тўплами берилди, 43 ўқувчига мўлжалланган учта замонавий ўқув хоналари очилди. Бу ерда йил давомида беш юзга яқин талаба таълим олиши мумкин.

Жиззахда IT-Паркни ташкил қилиш катта ва муҳим масала, – деди маросимда сўз олган Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Салиев. – Энди Жиззах замида ахборот технологиялари каби муҳим соҳада истеъодларни юзага чиқарувчи муассаса бор. IT-Паркнинг Жиззахда қулай ва самарали ишлаши учун барча шароит мавжуд: юқори тезликдаги интернет, 46 ўринли конференция зали, кутубхона, корворкинг маркази, start-up хоналари, робототехника лабораторияси, медиа-марказ, киберспорт ва инновацион машғулотлар.

Жиззахдаги филиал лойиҳасини IT-Парк маслаҳатчиси Жаярам Партасарти бошқаради. Лойиҳанинг уму-

мий қиймати 5,5 миллиард сўмни ташкил этади.

Айни пайтда IT-Паркнинг бир қатор резидентлари Жиззах филиалига мансуб: PE "ALITECH WEBSITE SOLUTIONS" – веб-сайтларни ишлаб чиқиш бўйича хизматлар; "INCLUDE" МЧК – S-Zone – талабаларни камера ёрдамида текшириш, соғлиқни сақлаш тизимларини автоматлаштириш – Medcash; "UZTAN MEDIA" ХК – домени рўйхатдан ўтказиш хизматлари, шунингдек, веб-сайтларни жойлаштириш; PE "MY WAY GROUP" – юрларни етказиб бериш учун "MY GRUZ" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; "KROXUS SOFT" МЧК – CRM ва ERP тизимлари.


IT-Парк резидентлари учун бир қанча афзалликлар мавжуд (маҳаллий ва хорижий IT компаниялар учун ҳам): даромад солиғи 7,5 фоизгача пасаяди, нол корпоратив ва ижтимоий солиқлар, ўз эҳтиёжлари учун товар ва хизматларни олиб киришда боғхона тўловларидан озод қилинади.

Солижон ЗОИРОВ
Муаллиф олган суратлар.

ХУШХАБАР

АНДИЖОНДА "ЎЗМОБАЙЛ"НИНГ САВДО ОФИСИ ЯНГИЛАНДИ

11 ноябр кун Андижон шаҳрида UZTELECOM миллий операторининг янги-ланган, замонавийлаштирилган савдо ва хизмат кўрсатиш офисининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Байрам тантанасида шаҳар маъмурияти ва компания раҳбарияти вакиллари иштирок этдилар.



Бугунги кунда оператор аҳолига бутун Ўзбекистон бўйлаб сифатли ва арзон мобил алоқа хизматларини таклиф қилмоқда. Айнан шу туфайли, компания ўз абонентларига қулайлик яратиш мақсадида, худудий филиаллардаги савдо ва хизмат кўрсатиш офисларини янгилаб, уларни брендининг ягона корпоратив услубида замонавий хизмат кўрсатиш офисларига айлантиришга қарор қилди. Офисларни янгилаш лойиҳасининг асосий концепцияси Миллий операторнинг барча хизматларини бирлаштира оладиган ва керакли маълумотларни бир жойда мужассам этиб, тез ва қулай равишда мижозлар учун хизмат кўрсатадиган ягона Eco Hi-tech услубидаги энг эргономик ва қулай офисларни яратишдир.

Наманган вилояти: АЛОҚА СИФАТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳамда Халқ қабулхонаси бошчилигида 20га яқин вазирлик ва идора раҳбарлари иштирокида Наманган вилояти аҳолиси учун сайёр қабуллар ташкил этилди.



Чуст, Тўрақўрғон, Чортоқ ва Учқўрғон туманларида бўлиб ўтган сайёр қабулларда асосан суд-ҳуқуқ, уй-жой ва моддий ёрдам ажратиш, газ, электр энергияси таъминоти, йўллар таъмири, меҳнат ва бандлик каби масалаларда муурожаатлар келиб тушди. Ички ишлар, банк, прокуратура, соғлиқни сақлаш, кадастр сингари соҳалар бўйича ҳам муурожаатлар кўп бўлди.

Мулоқотлар давомида турли соҳа мутасаддилари қатор муурожаатларни жойига чиқиб ўрганди. Муаммоларга биргаликда ечим топиш учун бор куч-имконият ишга солинди.

Бир мисол, Чортоқ тумани "Оромгоҳ" маҳалласида жойлашган 49-умумтаълим мактабида компьютер етишмас, интернет тармоғи йўқ, атрофдаги йўллар эса таъмирталаб эди. Бу уч муаммони тегишли соҳалар мутасаддилари бирга ўрганиб, бирга ҳал қилиб беришди.

Халқ таълими вазири ўрин-


босарининг ўрганишларидан сўнг мазкур 49-мактабга 16 дона компьютер жамланмаси, бадий адабиётлар тўплами, спорт анжумлари етказиб берилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосари эса 7 км. оптик толали алоқа тармоғи тортилиши ва мактабнинг интернет тармоғига улаб берилишини, Автомобил йўллари қўмитаси масъуллари эса мактаб атрофидаги 1,5 минг квадрат метр йўлакни асфалтлашни таъминлади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосарига муурожаатлар асосида 12та хонадонга интернет тармоғи

тортилди. Ўтган галги сайёр қабулларда Учқўрғон тумани "Қўрғонтепа", "Пахтачи", "Бирлик" маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолисидан 4G тезликдаги интернет тармоғини ўрнатиш борасида муурожаатлар келиб тушган эди. Ўрганишлардан сўнг бу ҳудудда кенг қамровли таянч станцияси ўрнатилди. Етти км. оптик толали алоқа тармоқлари тортилиб, иккита мактаб, иккита мактабгача таълим муассасаси интернетга уланди.

Бу галги сайёр қабуллар жараёнида эса ҳудуддаги 10 мингдан зиёд аҳолига кўчма савдо шохбчалари орқали "ЎзМобайл" миллий операторининг мобил алоқа карталарини етказиб бериш йўлга қўйилди.



"103.Meddata.uz" ТЕЗ ЁРДАМНИ ЯНАДА ТЕЗЛАТАДИ

Тошкент шаҳридаги тез тиббий ёрдам хизмати мутахассислари Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири, Соғлиқни сақлаш вазири, Жаҳон банки, Тошкент шаҳар врачлар малакасини ошириш институти, ВеПро-дастурчилар маркази ёрдами ва ҳамкорлигида "Тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш" кўнғироқларини қабул қилиш ва қайта ишлашни автоматлаштириш, маълумот алмашиш ва тез тиббий ёрдам бригадаларини бошқариш бўйича шилинч тиббий ёрдамнинг марказлаштирилган ахборот тизими курси йўналишида ўқитилди. Яқинда шу курсларни тамомлаган мутахассисларга сертификатлар топшириш маросими бўлиб ўтди.



Унда ВеПро-дастурчилар маркази МЧЖ ҳомийлигида "103.Meddata.uz" автоматлаштирилган бошқарув тизимида фаол ишлагани учун Тез тиббий ёрдам подстанцияларига сертификатлар ҳамда совғалар топширилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Абдулла Азизов, ВеПро-дастурчилар маркази МЧЖ бош директори Абдувоитжон Фафуров ва бир қатор мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирок этишди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам хизмати томонидан "103.Meddata.uz" автоматлаштирилган бошқарув тизими учун кўйидагиларни таъминлашга имкон берадиган дастурий-аппарат комплекси жорий этилган:

- Кўнғироқларни қабул қилиш, хизмат кўрсатиш ва рўйхатдан ўтказишни бошқаришнинг самарали механизми;
- Тез тиббий ёрдам автомашиналарини бошқаришни назорат қилиш, мониторинг қилиш ва оптималлаштириш;
- Диспетчерлик хизматини реал вақтда бошқариш, таҳлил қилиш, маълумотнома ва ҳисоботларни автоматик яратиш;
- Ягона маълумотлар базасини шакллантириш;
- Кўнғироқларни тезкор рўйхатдан ўтказиш ва бемор ҳақида маълумот олиш;
- Ҳисобот ҳужжатларини яратиш, кўриш имкониятлари яратилди.

Ҳамкорлик натижасида Тез ёрдам хизмати янада замонавийлашган.

Ўз мухбиримиз
Солижон ЗОИРОВ олган суратлар.

ЛОЙИҲА

ТАТУ ҲУЗУРИДА ТЕХНИКУМЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамаси порталига "Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига ўрта бўғин мутахассислар ва ишчи касблар бўйича кадрлар тайёрлаш учун техникумлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ҳукумат қарори лойиҳаси жойлаштирилди.



Унга кўра, Мухаммад ал-Хоразмий номидagi Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузурида 2021-2022 ўқув йилидан фаолият бошловчи янги техникумлар очилади.

Қайд этилишича, техникумларда кадрлар тайёрлаш Халқаро таснифлагичнинг камида 3 ёки 4-даражасига мос таълим дастурларини тамомлаган,

"Ҳаёт давомида таълим олиш" принципи асосида камида умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар ҳисобидан шакллантирилган гуруҳларда касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиқиб, икки йилдан кам бўлмаган мuddатда кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-

контракт асосида амалга оширилади.

Шунингдек, техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчилар ўз соҳасига мос бакалаврият таълим йўналишларини бўйича кириш имтиҳонларисиз яқка тартибдаги суҳбат орқали олий таълим муассасаларида 2-босқичдан ўқишини давом эттириши кўзда тутилган.

IT-Парк ФАОЛИЯТ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Дастурий махсулотлар ва ахборот технологиялари технопарк фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 15 июлдаги 589-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, Ҳукуматнинг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 672-сон қарори қабул қилинди. Бу ҳақда “Норма” хабар бермоқда.

Ҳужжатда IT-Парк Дирекциясига юқланган вазифаларни амалга ошириш доирасида малакали мутахассисларни, шу жумладан, чет эллик мутахассисларни маслаҳатчи сифатида шартнома асосида тендер савдолари ўтказмасдан жалб қилишга, истисно тариқасида, рухсат берилади. Энди Дирекция шатлар жадвалини мустақил равишда ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш шартларини бажариладиган ишларнинг мураккаблик даражаси, сифати ва ҳажмига нисбатан табақалаштирилган тарзда белгилаши мумкин.

Қарор билан Дастурий махсулотлар ва ахборот технологиялари технопарк фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга киритиладиган ўзгартиришлар тасдиқланди. Уларда Технопаркни ташкил этишни такомиллаштириш, юридик шахсларни резидент сифатида рўйхатдан ўтказиш, улар учун солиқларни ҳисоблаш, божхона таомиллари, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш тартиби, шунингдек, истиқболли стартап-лойиҳаларни танлаб олиш ва молиялаштириш тартиби белгиланди.

Технопарк резиденти сифатида рўйхатдан ўтган шахслар билан ишлаш тартибини такомиллаштириш бўйича банд киритилди. ITни ривожлантириш соҳасида экстерриториаллик принципи асосида максимал даражада қулай шартлолларни яратиш учун резидентлар республиканинг бутун ҳудудидида жойлаштирилади.

Технопарк резидентларининг мақоми билан танишиш, Дирекция ва унинг резидентларининг ўзаро алоқада бўлиши учун юридик шахсларнинг ҳужжатлари, шу жумладан, ҳисоботлар, хулосалар, бизнес-режалар ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш учун Дирекциянинг расмий сайти очилади.

Эксперт кенгашининг низоми аниқлаштирилади: у Дирекция ҳузурида ташкил этилган орган бўлиб, резидент мақомини олиш учун ариза берган юридик шахслар ва резидентларнинг бизнес-режаларини таҳлил қилиш мақсадида вазирликлар ва идоралар, илмий муассасалар, олий таълим муассасалари малакали мутахассислари ва бошқа мутахассислардан ташкил топади. Эксперт кенгашининг фаолият юритиш тартиби Дирекция томонидан белгиланади.

Қарорда молиялаштириш манбалари белгиланган. Молиялаштириш кўйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилади:

- Технопарк резидентларининг Дирекцияга ҳар ойлик жами даромадидан 1 фоиз миқдоридида ўтказиладиган ажратмалари;
- хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;
- Дирекцияга бириктирилган кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар;
- халқаро молия ташкилотлари ва институтларининг грантлари ва кредитлари;
- стартап-лойиҳаларни венчур мо-



лиялаштириш натижасида олинган даромадлар;

● Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг таркибий бўлинмалари маблағлари;

● қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Қабул қилинган ҳужжатда Технопарк Дирекциясининг резидентларни рўйхатга олиш ишини ташкил этишнинг такомиллаштирилган схемаси келтирилган. Аризаларни кўриб чиқиш ва турли таомиллар мuddатлари қайта кўриб чиқилган ва анча қисқартирилган.

Маълумот учун: Технопаркни тизимли ташкил этиш ва ривожлантириш тарихи 2018 йилда, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Ҳиндистон Республикаси электроника ва ахборот технологиялари вазирлиги ҳузуридаги Дастурий технологиялар парклари жами-

яти билан шартнома имзоланган пайдан бошланган.

Сўнгра Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 январдаги 17-сонли қарори қабул қилинган, унда Технопаркни ташкил этиш ҳамда ахборот технологиялари соҳасида рақобатбардош махсулотлар ва хизматларни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни ички ва ташқи бозорларда илгари суриш, ушбу йўналишдаги инновацион ишланмаларни рағбатлантириш назарда тутилган.

Кейинги босқичда, 2019 йил июлда Вазирлар Маҳкамасининг “Дастурий махсулотлар ва ахборот технологиялари технопарк фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 589-сонли қарори қабул қилинди. Унда юридик шахсларни резидент сифатида рўйхатдан ўтказиш, солиқлар ва божхона имтиёзларини қўллаш, стартап-лойиҳаларни ҳар томонлама, шу жумладан, венчур молиялаштириш асосида қўллаб-қувватлаш тартиби белгиланган.

УЧИНЧИ ТАШАБУС

АҲЛИ ҚЎҚОН, ЎҚУВ МАСКАНИ МУБОРАК БЎЛСИН!

Ўтган йил май ойи бошларида Марғилон шаҳрида Рақамли технологиялар ўқув маркази очилган эди. Шу мuddат ичида шаҳарда АКТ билимдонлари сафи кескин ошгани, компьютер саводхонлиги даражаси юқори бўлган мактаб ўқувчилари кўпайгани, умидли дастурчилар камолга етаётгани айни ҳақиқат. Бу ота-оналар ва умумтаълим мактаблари ўқитувчилари томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Кўп ўтмай данғараликларни қувонтириб, туманда ҳам шундай мухташам марказ иш бошлади. Энди эса “Ўзбектелеком” АК Фарғона филиалининг Қўқон ШТБ биносида ҳам Рақамли технологиялар ўқув маркази очилиб турибди-ку!

Замонавийлик руҳи ҳукмрон хоналарни кўриб ҳавас қиласиз. Соҳада ис-талган даражани эгаллаш учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Фақат инти-лиш бўлса бас. Бу кўркем даргоҳ олов-қалб, ўткир зеҳнли “Элимга, юртим-

га, аллома боболаримга муносиб фар-занд бўламан!” дея аҳд қилган ёшлар-га мунтазир. Қани ёш бўлсаму мен ҳам шу ерда ўқиб-ўрганиб, АКТ дунёсининг манамен деган мутахассиси сифатида етишсам, дейсиз.

Марказнинг расмий очилиш маро-симида вилоят ҳокимлиги вакили Шаҳ-ноза Ўринова, АКТ вазирлиги худудий бошқармаси бошлиғи Ҳалимжон Қурбо-нов ҳамда марказда иш бошлаш арафа-сида бўлган мутахассис ёшлар сузга чиқиб, саволларга жавоб беришди. Мен эса тадбирда қатнашаётган худудий бош-қарма бошлиғи ўринбосари Нўрможон Акбаровни суҳбатга тортидим.

– Кеча Сўх туманида очилганди. Мана бугун Қўқонда Рақамли технологиялар ўқув марказини очдик, – деди у. – Ва-зирлигимиз томонидан соҳада амалга оширилаётган қатор ислохотлар, сарф-ланаётган маблағлар миқдосини бир та-саввур этиб кўрсангиз, эртанги истиқ-бол ҳақида ҳам чиройли тасаввур ҳосил қиласиз. Бу эзгу ишлар, сармоёллар, мана

бу марказлар фаолияти ўзининг самараларини бериши шак-шубҳасиз. Робототехника кашфиётчиларимиз, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси бўйича зукко дастурчиларимиз камолга етадилар ва Ватан равнақида хизмат қила бошлайдилар. Эҳ-ҳе, юзлаб, балки ундан ҳам кўп ишчи ўринлари яратилади. Яна бир мулоҳазам шуки, менимча, марказларимиз фаолияти тарғиботини ҳам яхши йўлга қўйиб олишимиз даркор ва бунда бизга сиз каби журналистлар яқиндан кўмак берсалар соз бўларди.

Шу йил охиригача Қувасой шаҳри-да, Бувайда, Бағдод, Ёзёвон, Фуқат, Учқўприк туманларида ҳам Рақамли техно-логиялар ўқув марказлари очилади.

Ҳа, унутилмас яна бир куннинг шо-ҳиди бўлди. Таассуротлар тинчлик бер-майди. Кенг дунёқарашли қўқонликлар-нинг анчаси биз билан хурсандчилиғини баҳам кўришди. Улардан бири Маъ-судахон ҳожи она қувончига ҳам шер-ик бўлдим. “Бу хушхабардан бошим осмонга етди. Мен АКТ нима эканлиги-

ни биламан. Биринчи информатика ўқитувчиларидан бўлганман. Тошкент полиграфия техникумида шу фандан дарс берганимга ҳам неча йиллар ўтди-кетди. Тараққиёт шунчалар ўсдики, энди мен компьютерга боқсам борми, аклим шошади, кўзим тинади. Бизнинг даври-мизда компьютерга одам зақоси бовар қилмайдиган бир мўъжизадай қаралар-ди. Ҳамма ҳам ишлатиши шарт бўлмаган ёки бунинг мутлақ имкони-иложи йўқ саналарди. Энди-чи, ҳар бир киши бу билимдан хабардор бўлиши шарт ва зарур. Акс ҳолда ўзига қийин. На маъна-вий, на моддий томондан ўнгланади. Менинг она шахрим Қўқондан, ўқув мар-кази муборак бўлсин, дея дуои шукрона-даман”.

Биз ҳам табарруқ онахоннинг дуо-ларига қўшилаемиз: Аҳли Қўқон, Рақам-ли технологиялар ўқув маркази мубо-рак бўлсин!

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Xabar”нинг
Фарғона вилоятидаги муҳбири

Дастурлаш ҳамма учун. Агар сиз ҳали ҳам бунга шубҳа қилаётган бўлсангиз, ушбу мақолага бир неча дақиқангизни ажратинг, шунда бу сўзларнинг ростлигига амин бўласиз.

Жасур ва Гулноза Холовлар жуфтлиги тўрт фарзанди билан биргаликда One million Uzbek Coders платформасида таҳсил олишди ва бундан заррача ҳам афсусланишмайди. Улар IT-соҳаси, айниқса, One million Uzbek Coders (OMUC) лойиҳасининг берадиган имкониятлари ва истиқболлари ҳақида соатлаб гапириш мумкин, деб ҳисоблашади. Аммо қисқача айтганда, уларнинг фикрига кўра, OMUC – бу ҳар бир инсон учун ўз ҳаёт йўлини ва касбини топиш имконияти.

ДАСТУРЛАШ ҲАММА УЧУН

One million Uzbek Coders курсларини тўлиқ ўрганишга қарор қилган бир оила тарихи

39 ёшли Жасур Холов Тошкент давлат иқтисодиёт университети ахборот технологиялари йўналиши битирувчиси, иқтисодиётнинг турли соҳаларида кўп йиллик тажрибага эга. Айни пайтда у компютерда, айниқса, Excel иловасида ишлаш асосларини ўргатади. Унинг турмуш ўртоғи Гулноза Холова Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети битирувчиси. Ментал арифметика бўйича халқаро даражадаги мураббий. Ҳозирда у мактабда математика, информатика ва ITга ихтисослаштирилган фанларни ёшларга ўргатмоқда.

Холовларнинг тўнғич қизи Хилола 17 ёшда, Паркент туманидаги 5-давлат ихтисослаштирилган мактабини чуқурлаштирилган математика, рус ва инглиз тилларини ўрганиш бўйича тамомлаган. Яқинда Ислоом Қаримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг ахборот технологиялари йўналишига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган. Келгусида у Японияда магистратура йўналишида таҳсил олиб, Ўзбекистонда архитектура ва қурилиш соҳасида инновацион лойиҳаларни яратиш борасида етарли тажриба йиғишни режалаштирган.

Баҳром 15 ёшда, 9-синф ўқувчиси, худди шу мактабда таҳсил олади. У келажақда тажрибали иловалар яратувчи дастурчи бўлишни, Массачусетс технология университетиде (MIT) таҳсил олиб, Ўзбекистон номини жаҳон миқёсида танитувчи иловаларни яратишни орзу қилади.

Ўртанча фарзанд – Барно 13 ёшда, Паркент туманидаги 40-мактабнинг 7-синф ўқувчиси. У ментал арифметика бўйича халқаро онлайн олимпиада ғолиби. Келгусида ахборот технологиялари бўйича билим берувчи шахсий мактабини очишни ҳамда маълумотлар таҳлили соҳасида таълим беришни орзу қилади.

Кичик қизлари Зумрад 10 ёшда, Паркент туманидаги 40-сонли мактабнинг 4-синф ўқувчиси. Зумрад дизайнга қизиқади ва кун келиб шахсий либослар



коллекциясини тузиш ҳамда веб-дизайнни мукамал ўрганишни истайди.

Холовларнинг айтишича, улар OMUC ҳақида янгиликлар орқали билишган, аниқроғи, лойиҳа тақдими репортажига кўзлари тушиб қолади ва янгиликларнинг кейинги сонини кутмасдан интернет орқали маълумот топиш ва таҳсилни тезроқ бошлаш кераклигини англаб етадилар.

– Менимча, One million Uzbek Coders лойиҳасининг номиёқ қайсидир маънода унинг муваффақиятли эканлигини белгилаб беради. Лойиҳа ҳақида билганимиздан сўнг, оила бошлиғи сифатида, Ўзбекистонда етиштириладиган бир миллион дастурчи сафига қандай қилиб мен ва оилам кирмаслигимиз мумкин, деган фикр келди. Шу тариқа аввалига ўзим маълумотларни таҳлил қилиш курсини ўташга қарор қилдим, чунки кўп йиллар давомида Excel таҳлиллари билан шуғулланардим ва ушбу соҳадаги маълумотлар билан ишлашнинг аҳамиятини биларман, – дейди Жасур Холов.

Оила бошлиғи OMUC платформасида ўқишни бошлаганидан сўнг бундан унинг турмуш ўртоғи Гулноза ва уларнинг болалари ҳам илҳомланган.

– Турмуш ўртоғимнинг ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши билан бир мунча вақтдан кейин мен рўйхатдан ўтдим ва маълумотларни таҳлил қилиш курсини ўргана бошладим. Курсларни ўрганиш иш тажрибам ва олий маълумотим борлигига қарамасдан қийин бўлди. Кўпроқ мактабда олинган билимлар асқотди. Биз курсларни тўлиқ ўрганганимиздан кейин фарзандларимизни ўзимиз ўқитамиз деб ўйлаган-

дик, бироқ ўртанча фарзандимиз Барно ўзи мустақил ўзлаштираётгани ва ҳатто баъзи ҳолларда менга ўргатиб турганини кўриб, болаларимизни ҳам рўйхатдан ўтказишга қарор қилдик. Катта қизим кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўраётгани учун, Баҳром ва Барно маълумотларни таҳлил қилишни ўрганишни аввалроқ бошлади, – дейди Гулноза Холова.

Оила соҳибларининг айтишича, болалар учун OMUC курсларида таҳсил олиш осонроқ бўлди, улар платформада таълим олишдан мамнун эдилар, чунки болаларга кичиклигидан билимни чархловчи компютерда қидирув тизимлари, босма, чизиш ва лойиҳа билан ишлашни ўрганишган. Бироқ, Холовлар бошқа ота-оналарга фарзандлари дастурчи бўлишни истамаса, уларни ўқишга мажбурламаслик кераклигини таъкидлашади. Агар боланинг ўзида маълум бир йўналишга қизиқиши бўлмаса, унда фарзандингизга босим ўтказманг, аксинча, у ёқтирган соҳани аниқлаб олинг ва унга йўналтиринг.

Мисол учун, Холовлар оиласида ҳар бир киши маълумотларни таҳлил қилиш курсидан

ўқишга қарор қилди, аммо биргина ўғли бошқа йўналиш бўйича ўқишни истади ва Андронид дастурлаш курсини танлади. Айни пайтда у лойиҳа форумининг фаол иштирокчиси бўлиб, янги ўрганувчиларга маслаҳат беради ва ўз лойиҳаларини яратади.

Бундан ташқари, оила ҳар қандай янги ишда бўлгани каби, OMUCда таълим олишда қийинчиликларга дуч келишди, масалан: аккаунтларни боғлаш, мураккаб лаборатория ишлари ва бошқалар.

OMUC ёрдамида олган янги билимлар нафақат дунёқарашни кенгайтиришга ёрдам берди, балки ўз-ўзига ва келажаққа бўлган ишончни ҳам оширди.

Жасур Холов эътироф этганидек, кўп йиллар давомида оила аъзоларимнинг фикрларини ўзгартириш олмадим. Баъзан ҳатто ўзимнинг сўзларимга ишонмай қолар эдим. OMUC ўз имкониятлари билан нафақат менинг фикримни ўзгартирди, балки Ўзбекистон IT-соҳасининг келажагига бўлган ишончимизни мустаҳкамлади.

IT мутахассислиги бўйича ўқишни истаган одамларга Холовлар асло иккиланмай олга қадам босишни ва мазкур мутахассислиқни ўрганишни тезроқ бошлашни тавсия этишади.

“OMUC платформасида дастурлаш жараёнида ўрганилган билим сизни безовта қилмайди, аксинча, янги касбини ўрганишингизга ёрдам беради. Жинси, ёши, касби ва қандай иш билан банд бўлишдан қатъи назар, ўрта ва ҳатто нол маълумотга эга бўлган ҳар қандай киши OMUC курсларида ўқиши мумкин. Бу сизнинг ҳаётингиз ва фаолиятингиз учун катта фойда келтиради. Дастурлаш қобилиятлари инсоннинг замон ва маконга оид тасаввурини ва дунёқарашини кенгайтиради. Янги ғоя ва лойиҳалар учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади”, – дея қўшимча қилди Холовнинг рафиқаси.

Xулоса қилиб айтганда, Холовлар оиласи, қилаётган ишига чин дилдан ишонганидан ва режалаштирган йўлидан қайтмайдиган оилалардан бири эканини ишонч билан айтишимиз мумкин. Биз Жасур ва Гулноза Холовнинг фарзандларига тўғри намуна кўрсатаётгани, уларни мажбурламасдан, аксинча, янги марраларни забт этиш, мақсадга эришиш йўлида руҳлантираётганини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Холовлар оиласи, айниқса, фарзандлари камида ахборот технологиялари соҳасида минимал билимларга эга бўлишни, кўпидея профессионал дастурчи бўлиб, кишилар ҳаётини яхшилаш ва жамиятга ёрдам берадиган инновацион лойиҳаларни яратадиган шахс бўлиб етишиб чиқишини истайдиган ота-оналар, бўлғуси оила соҳиблари учун ўзига хос намуна бўла олади.

Манба: it-park.uz

6 | ОНЛАЙН-УРОК

Uztelecom представляет

Облачную платформу видеоконференцсвязи UZCLOUD.UZ

В период пандемии коронавируса во всем мире стали востребованными различные платформы видеоконференцсвязи для дистанционного образования, удаленной работы сотрудников и даже целых офисов. Чтобы оптимизировать расходы на организацию онлайн работы и учёбы, UZTELECOM предлагает услуги удобной и многофункциональной платформы для видеоконференций на базе дата-центра. Не маловажным фактором ещё является то, что сервис развёрнут локально, в местных сетях «Uz-IX» и «TAS-IX», что положительно сказывается на качестве услуг.

Функциональные возможности услуг видеоконференцсвязи UZCLOUD.UZ очень разнообразны и позволяют заказчикам легко организовать Онлайн-урок, Онлайн-офис, Онлайн-конференцию.

Это еще не ВСЕ! Компания предлагает для пользователей удобные и выгодные тарифные планы:

НАИМЕНОВАНИЕ ТП	КОЛИЧЕСТВО УЧАСТНИКОВ	КОЛИЧЕСТВО ОРГАНИЗАТОРОВ (ЛИЦЕНЗИЙ)	ОПЛАТА ЗА 30 ДНЕЙ, СУМ
ОНЛАЙН-УРОК 40	40	1	125 000
ОНЛАЙН-ОФИС 50	50	1	130 000
ОНЛАЙН-ОФИС 100	100	1	150 000
ОНЛАЙН-КОНФЕРЕНЦИЯ 100	100	1	150 000
ОНЛАЙН-КОНФЕРЕНЦИЯ 300	300	10	1 750 000

● По каждому тарифному плану длительность

конференции не ограничена и предоставляется место в облачном хранилище данных объемом 5ГБ.

При этом:

● Организатор конференции имеет все права по управлению видеоконференцией.

● Участники могут равноправно общаться, демонстрировать рабочий стол и использовать любые функции, разрешенные организатором конференции.

● Видео ведущего транслируется всем участникам конференции на раскладке.

● Предоставляется дисковое пространство для файлов и записи конференций.

● Во всех тарифных планах в случае превышения объёма записи конференции, допустимого объёма по тарифному плану, запись конференции будет доступна для скачивания в течение 24 часов. По истечении 24 часов запись будет удалена.

Участвуйте в промоакции «Удобная видеоконференцсвязь» и протестируйте наши услуги - БЕСПЛАТНО, целых 30 ДНЕЙ!

Для того чтобы потенциальные клиенты смогли протестировать возможности и качество платформ видеоконференцсвязи, UZTELECOM проводит специальную промоакцию «Удобная видеоконференцсвязь» до 30 ноября 2020 года.

В рамках акции можно воспользоваться специальными акционными тарифными планами: «ОНЛАЙН-УРОК БЕСПЛАТНО» и «ОНЛАЙН-ОФИС БЕСПЛАТНО».

Услуги на акционных тарифных планах предоставляются на территории Республики Узбекистан, всем физическим лицам, зарегистрировавшимся на странице UZCLOUD.UZ.

IT-БЕЗОПАСНОСТЬ

ОСТЕРЕГАЙТЕСЬ МОШЕННИКОВ!

ПОЛЬЗУЙТЕСЬ ТОЛЬКО ОФИЦИАЛЬНЫМИ САЙТАМИ



В РАУМЕ СООБЩИЛИ О ВСПЛЕСКЕ МОШЕННИЧЕСТВА

За последние сутки в службу поддержки Рауме обратились несколько пользователей с просьбой помочь: с их карт сняли средства, представляясь покупателями. В компании рассказали о том, как не попасться на удочку мошенников и обезопасить средства.

Как это было?

Пользователь разместил объявление о продаже товара на сайте olx.uz. К нему обратился человек под видом покупателя, на самом деле таковым не являющийся.

Написав в Telegram пользователю, «покупатель» спросил, может ли тот отправить товар через службу доставки Fargo. После положительного ответа «покупатель» отправил пользователю ссылку, которая похожа на адрес сайта Fargo, но ею не является.

Пользователь прошел по ней, зарегистрировался, на его номер пришло SMS с кодом подтверждения. Введя его на сайте, он допустил первую ошибку — предоставил доступ к своей карте на подозрительном сайте.

Ему пришло сообщение на сайте от службы поддержки следующего содержания: «Минимальная сумма на вашем счету должна быть 500 000 сум». Он пополнил баланс своей карты, тем самым допустив вторую ошибку.

Спустя какое-то время с его карты были сняты средства, а переписка в Telegram с человеком, притворившимся покупателем — удалена.

Как быть в такой ситуации?

В первую очередь, надо помнить, что ни в коем случае нельзя вводить данные на неофициальных сайтах. Не стоит вводить даже код подтверждения, если нет уверенности в достоверности сайта-поставщика.

Подлинные сайты Fargo и OLX выглядят так: <http://fargo.uz>. <https://www.olx.uz>.

Не стоит отправлять номер своей карты, срок действия и CCV/CVV с задней стороны вашей карты посторонним людям — без этих данных средства с карты не смогут списать.

В компании также рекомендовали пользоваться электронным кошельком Рауме CARD — оставляя его баланс пустым, можно регистрировать его при необходимости на различных сайтах. Даже если злоумышленники получат доступ к данным кошелька, средства с них не спишутся, благодаря нулевому балансу.

Это не первый раз

Сообщения об этой схеме мошенничества появились еще в конце октября. Руководитель HUMO Шухрат Курбанов в своем Telegram-канале тогда обращал внимание на то, что сайты вроде uz-olx.online или dostavka-olx.xyz, которые используют мошенники, не имеют никакого отношения к сервису olx.uz.

В начале ноября представители Fargo и OLX.uz рассказали, что такими путями мошенники снимают с карт граждан от 20 до 35 млн сумов в день.

ТРЕТЬЯ ИНИЦИАТИВА

В городе Карши открылся Учебный центр цифровых технологий

В ходе реализации третьего направления пяти важных инициатив, выдвинутых Президентом Республики Узбекистан — организацией эффективного использования населением и молодежью компьютерных технологий и интернета, по всей республике создаются Учебные центры цифровых технологий.

Очередной Учебный центр цифровых технологий был открыт в городе Карши.

В церемонии открытия учебного центра приняли участие за-

меститель Министра по развитию информационных технологий и коммуникаций К. Юлдашев, руководители и сотрудники территориального управления Министерства по Кашкадарьинской области, региональных отделов ведомственных предприятий и организаций, хокимията города Карши, а также активисты района и местная молодежь.

В Учебном центре цифровых технологий будет повышать свою компьютерную грамотность местная молодежь в возрасте от 7

до 30 лет, и успешно окончившим курсы будут вручаться сертификаты. В центре созданы все условия для обучения по направлениям информационно-коммуникационных и цифровых технологий.

Также в данном учебном центре будут повышать свою квалификацию руководители и сотрудники территориальных органов государственного и хозяйственного управления, органов местной исполнительной власти в сфере ИКТ.

БИЗНЕС-ОНЛАЙН

В России запустили сайт для узбекистанских экспортеров


Посольство Узбекистана в России запустило электронную B2B платформу «Экспортеры Узбекистана». Об этом сообщили в пресс-службе посольства.

Здесь регулярно размещаются коммерческие предложения экспортеров Узбекистана и запросы российских импортёров, заинтересованных в закупках.

Есть функция поиска партнеров-экспортеров и коммерческих предложений по регионам и отраслям, форма для отправки предложений и подачи объявлений.

Чтобы стать участниками, компании-экспортеры Узбекистана должны отправить соответствующие коммерческие предложения, воспользовавшись специальной формой. Российские компании-импортёры также могут зарегистрироваться на сайте.

«На сегодняшний день уже заключен контракт



на поставку сухофруктов из Узбекистана на сумму \$10 млн, ведутся переговоры по поставке готовой текстильной и свежей плодоовощной продукции, отгружаемых напрямую в торговые сети России», — отметили в посольстве.

Ватандошимиз Юлдуз Хўжаева Канада олийгоҳлари рейтингда 10-ўринда турувчи Далҳауз университети (Dalhousie University, Галифакс) магистратурасида таҳсил олмоқда. Бакалавр-ни эса 2018 йил Тошкентдаги ИНҲА университетида тамомлаган (компьютер фанлари ва муҳандислиги). Мухбиримиз у билан танлаган йўналиши, келажак орзулари ҳақида суҳбатлашди.

– Ахборот технологиялари соҳасини танлашингизга нима туртки бўлган?

– Болалигимдан математика ва физикага қизиққанман. Қийин масалаларга ечим топиш жуда ёқарди: хоҳ у теорема бўлсин, хоҳ физикадаги бирор қонун. Келажакда ҳам шу фанларга тааллуқли соҳа мутахассиси бўлишни ният қилардим.

2014 йил Тошкент шаҳрида ИНҲА университети очилаётганини эшитгач, тарози палласи ахборот технологиялари томонга оғиб кетди. Шундай қилиб, 2014 – 2018 йилларда ИНҲАда таҳсил олдим.

Умуман олганда, асримизда муваффақиятга эришиш учун чет тилларини, айниқса, инглиз тилини ўрганиш муҳим, деб ўйлайман.

– Магистратура учун нега айнан Канадани танлагингиз? Бу мамлакат таълим борасида қандай имкониятлар беради?

– Магистратурада ўқишдан олдин бир қанча сабабларни ҳисобга олдим. Биринчидан, Ўзбекистонда компьютер фанлари (Computer Science) юқори даражада ривожланмаган: Сунъий онг (Artificial intelligence) ва Киберхавфсизлик (Cybersecurity) ҳануз бошланғич босқичларда. Иккинчидан, мен ҳар доим магистратуранинг асосий тили инглиз тили бўлган давлатда ўқишни хоҳлаганман. Барчага маълум, Канаданинг расмий тили инглиз ҳамда француздир. Учинчидан, Канада университетлари илмий ишлар миқёси (research output), профессорлар сонининг талабалар сонига нисбати, халқаро талабалар кўплиги бўйича жаҳонда юқори ўринда туради. Шунингдек, ҳукумати ва университетлари бошқа давлатдан келиб ўқиётганларга ҳам грантлар ажратаяди. Жорий йилда мен ўқишим ҳамда яшаш харажатларимни қоплаб берадиган “Study in Canada Scholarship” гранти соҳибасига айландим.

– Илмий ишингиз қандай муаммолар ечимига қаратилган?

– Шу йилнинг сентябридан илмий ишимда менга йўл-йўриқлар кўрсатиб турадиган профес-

Юлдуз ХЎЖАЕВА: “ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАМ ИЛМИЙ ИШЛАРГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРИШ КЕРАК”



сор билан мавзу танладик ва “Тармоқдаги ҳужумлар ва хатоликларни ўрганиш алгоритмлари ёрдамида аниқлаш” (Network Anomaly detection using Machine Learning algorithms)да тўхталдик. Насиб бўлса, илмий ишим тармоқдаги (асосан интернетдаги) киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг қандай турдаги ҳужум эканига аниқлик киритиш ҳамда олдини олишга хизмат қилади. Асосий мақсадим нафақат киберҳужум, балки тармоқда рўй бераётган ҳар қандай ноодатий ҳаракатни аниқлашнинг янги, энг самарали усулини топишдир.

– Сизнингча, Канаданинг қайси таълим тармақлари Ўзбекистонда ҳам жорий этиш мумкин?

– Канадада илмий ишнинг аҳамияти жуда катта. Қандай ташкилот (давлат ёки хусусий компания) бўлишидан қатъи назар, агар бирор муаммога инновацион ечим керак бўлса, у, аввало, атрофича ўрганилиб, тадқиқ этилади, илмий ишлар олиб борилади ва шундан кейингина муаммога ечим топилади. Дейлик, бир компания ўз иш жараёнига, ишлаб чиқаришига оид муаммога ечим топомоқчи. Бирок унинг “Facebook” ёки “Google”да бўлгани каби ўз тадқиқот марказлари йўқ. Шунда ушбу компания қайсидаги университетга илмий иш учун мурожаат қилади ёки буюртма беради. Университетнинг тадқиқотчи олимлари, профессорлари муаммони ўрганиб чиқиб, фактлар ва олиб борилган тадқиқотлар натижасига асосланган ҳолда мумкин бўлган ечимларни компанияга тақдим этади. Ишоти сифатида ушбу ечимнинг тўғри ишлашини кўрсатиб бера-

ди. Натижада университет ҳам, буюртмачи компания ҳам фойда кўради: компания ўз муаммосининг инновацион ечимига эга бўлади, университет ва тадқиқотчи олимлар эса молиявий фойда кўришади, шу билан бирга, илмий ишлар сонини кўпайтириб олишади. Бу, ўз навбатида, университет нуфузи ва рейтингини учун фойдалидир.

Демак, Ўзбекистонда ҳам илмий ишларга эътиборни кучайтириш керак. Университет фақат қандай компания университет билан келишган ҳолда, илмий иш учун буюртма бера олиши даркор.

– Мамлакатимизда соҳага ривожига тўсиқ бўлаётган омиллар қайси? Уларни бартараф этиш борасида тақлифларингиз борми?

– Ҳар қандай катта муаммо кичик камчиликлар сабаб юзага келади. Мен ўзим гувоҳ бўлган мисолларни келтираман. Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетида биринчи ва иккинчи босқичда ўқиб юрган пайтларим, университет талабалари Тошкент ахборот технологиялари университетининг (ТАТУ) ётоқхонасида яшашган. У ерда бир галати қоида бор эди: ётоқхонада яшайдиган талабаларга, бошқача қилиб айтганда, бўлажак дастурчиларга ўз ноутбукларидан фойдаланишга рухсат берилмасди. Бу мустақил ўқиб-ўрганиш учун мен гувоҳ бўлган биринчи тўсиқ. Яна бир тушунарсиз қоида – кечки соат 11дан кейин чироқларни ўчириш кераклиги эди. Ётоқхона мутасад-

дилари электр энергияси сарфини камайтиришни ўйлаб, талабаларнинг имтиҳонлари ёки уй вазибалари билан иши йўқ эди. Бу каби чекловлар АКТ мутахассисларининг салоҳиятига салбий таъсир ўтказиши табиий.

Энди ҳозирда мен ўқиётган Далҳауз университетига қайтсак бу ерда бирор талабанинг ноутбуги бўлмаса ёки сотиб олишга қурби етмаса, университет унга узоқ муддатта ноутбук бериб туради. Талабалар уни ўз шахсий мулкидек ишлатиб юришлари мумкин ва бу мутлақо бепул. Бундан ташқари, университет АСМ ҳамда IEEE каби дунёнинг энг катта илмий мақолалар электрон кутубхоналари обуначиси ҳисобланади. Олийгоҳнинг ҳар бир талабаси шу кутубхонадаги илмий мақолаларни бепул қўлга киритиши мумкин. Кеча конференцияда тақдим этилган мақолани университет талабалари буюғуноқ ўқий олишади. Хуллас, фарқ катта! Афсуски, Ўзбекистондаги талабаларнинг жуда кўп қисмида бундай имкониятлар йўқ.

– Сиз каби IT соҳасига ириб келмоқчи бўлган ёшларга тавсияларингиз...

– Ҳар бир инсон, аввало, ўз олдига катта мақсадлар қўйиши керак. Айниқса, қизлар. Жамиятда кенг тарқалган озгаки қоидалар, яъни “аёллар бу йўналишда кучли эмас”, “қизлардан яхши дастурчи чиқмайди” деган гаплар билан одам ўзини чегаралаб қўймайди керак. Агар улар STEM (Science, Technology, Engineering – Фан, Технология, Муҳандислик, Математика) йўналишига қизиқишса, албатта, аниқ фанларни чуқур ўзлаштиришлари лозим. Бундан ташқари, аллақ-

чон шу йўналишда ўз ўрнини топган ёки ўқиб-ўрганаётганлардан билмаганини сўрашдан қўрқмаслик ва уялмаслик керак. Соҳага оид фанларни тушунишда қийинчиликлар бўлиши табиий, уларни яхши ўрганмаслик эса келажакда ривожланишдан тўхтаб қолишга олиб келиши мумкин.

Кимгадир талабалик бахти насиб этмаган бўлса, бундан асло тушқунликка тушмаслик керак. Агар мақсад ўқиб-ўрганиш бўлса, ҳозирги кунда деярли барча китоблар ҳамда онлайн курсларни интернет орқали топиш мумкин ва аксарияти бепул. Фақат тинимсиз меҳнат, қунт ва шижоат бўлса бас.

Яна такрорлайман, инглиз тилини ўрганинг! Дунёда жуда кўп мақолалар, янгиликлар дастлаб инглиз тилида чоп этилади. Бу тилни билмаган одам уларнинг таржима қилиниб, етиб келишини (келса агар... – таҳр.) кутишга мажбур келади. Бу инглиз тилини биладиган одамдан доим ортда юриш билан баробар...

– Келажакдаги режаларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз...

– Аввало, ўқишни муваффақиятли яқунлаб, дунёнинг катта технология компанияларида ишлаш ҳамда бироз тажриба орттириш ниятидаман. Кейин Ўзбекистонга қайтиб, “Machine Learning”, “Artificial Intelligence” каби юртимизда кам ривожланган йўналишларда стартап бошлашни мақсад қилганман.

Ватанимиз ёшларининг салоҳияти юқори эканига ишонаман. Уч йил олдин – ИНҲАда ўқиб юрган пайтларим университетнинг битта семестрини АҚШда ўқиш имкониятига эга бўлганман. Ўша вақтларда у ерда бирга ўқиган бошқа давлат талабалари математика ҳамда чизикли алгебра ни яхши билганим учун мени “Математика даҳоси” дейишарди. Ваҳоланки, улар менинг Тошкентдаги ИНҲА университетининг топ-ўнтаклидаги талабалардан бири эканимни билишмаган. Ўзбекистонда истеъодлар сон-саноксиз, фақат уларга тўғри йўл кўрсатилса, қўллаб-қувватланса бўлгани.

Нурилло ТЎХТАСИНОВ
суҳбатлашди

8 | ОИЛА ҚЎРФОНИ МУСТАҲҚАМ БЎЛСИН

Шуниси қизиқки, ўзини тақдир оловига отиб соврилган қалб ҳам, у олов исканжасида куйиб, қорайиб, ҳеч вақо унмаган яроқсиз ер каби қолган, бироқ сабру матонат билан ўша ердан ўзининг орзую умид, мақсад, ишонч гуллари ни ундирган, барқ уриб очилган қалб ҳам биз, инсонларники.

Айтинглар-чи, сиз қайси қалб эгаси бўлишни истардингиз?

“Хўш, аёл-чи, аёл қандай синалади?” – деяпсиз-а?

Аёл... Бу номнинг ўзи қанчалар нафис ва улуғвор. Унда оила сўзи яширин. Ҳа, аёл – бу, оила. Демак, ўз-ўзидан маълумки, аёл, аввало, оиладаги қийинчиликлар билан синалади. Ҳар қандай вақтда ўзининг нафосату фаросатини, меҳру меҳнатини, эътибору муҳаббатини ишга солиб, доимо турмуш ўртоғига садоқатли бўлган аёл оловда тобланган соф олтинда қимматлидир.

Ана энди ўйлаб кўринг-а, сиз, эркага аёллар қанчалик синовларга дош беряпсиз. Қанчалар холис бўлиб, турмуш чигалларини еча оляпсиз. Нечоғлиқ меҳру муҳаббат инъом этдингиз, оқибат кўрсатдингиз оилангизга?!

Айтинг-чи, қай бирингиз қай йўсинда оилангизда келиб чиқётган келишмовчилик ва зиддиятларни бартаф қилдингиз?

Сиз оилангизнинг соғлом иқлимини ярата олдингизми, азизим аёл?

Биламанки, бу саволга жавобан кўлаб аёлларимизнинг оиласини намуна қилиб кўрсатишимиз мумкин? Аёл раҳбарлар, тadbиркорлар, фан докторлари, Ўзбекистон қахрамонлари бор. Аёлларимиз барча ижтимоий-сиёсий соҳаларда фаолдирлар. Аммо айрим аёлларнинг оиласини асраб қололмай, йўл қўяётган тузатиб бўлмас хатоларини қачонгача оқлаймиз?

Қачонгача, фақат эркак кишини масъулиятсизликда, меҳру эътиборсизликда, кам пул топаётганликда айблаймиз? Қани, ўша сизга инъом этилган қаноату фаросат?

“Хўжайиним кўчадаги хурлиқларга ошиқ бўлиб қолмасин”, – дея соғлигингиз учун мутлақо зарар бўлган “гўзаллик”ларни яратишга қодир қалбингиз, нима учун оиланинг кўрнимас ришталарини боғлашга келганда ожиз қоляпти?

Нима учун турмуш ўртоғингиздан бадавлатроғи, савлатлироғи кўча-кўйда юргангизда уялмай-нетмай телефон рақамингизни сўраганида, сиз ҳам беҳижолат тақдим қияпсиз? Ахир, бу хиёнатнинг аввали эмас-ми? “А-а, хўжайиним хиёнат қилгандан кейин, мен ҳам қиламан-да!” – деяпсиз-а. Бу каби гапларни баъзи аёлларимиздан эшитганман. Мушоҳада қилинг-чи, ор-номусингизни булғаш учун арзирмикан шу хиёнат?



ОЛОВДА ТОБЛАНГАН ОЛТИН

**Эркак қийн лаҳзаларда
синалади, аёл-чи?**

Қолаверса, сиз ҳам, жуфти ҳалолнингиз ҳам шу йўсинда кетар экансиз, фарзандларингиз толейига қора тамғани муҳрлайсиз-ку!

Наҳотки, “Бу киши чинакам мард, асл инсон!”, “Бу аёлда унта мард эркакнинг ор-номуси бор”. “Ҳамма аёлларнинг аълоси!” деган сўзларга лойиқ бўлишни истамасангиз?!

Рост, ҳеч бир истиҳолаксиз айтиш мумкинки, оила аталмиш буюк мўъжиза олдида, кўпгина ёш оила соҳибу соҳибалари ўз масъулиятларини унутдилар. Эр-хотинликдек ҳалол риштага юзаки қараб, фарзандлар тақдирига қора кунлар солишаётир. Ажримни исташмоқда. Яна нима учун денг, бошқа бир инсон (аёл ёки эркак)ни “севиб” қолганмиш. Энди улар сира чиқиша олишмас экан. Тоқатлари, сабри, меҳру муҳаббати тугабди. Бегоналардек эмиш...

Бундай мудҳиш хатога қўл уриш учун фақат биргина сабаб бор, бу ҳам бўлса, сиз худбингиз. Фақат ўзингизни ўйлайсиз. Ёлғон ва ўткинчи ҳисларингиз учун буюк бир оилангизни, фарзандларингизни четга суртишга қодирсиз. Сизга давомчингиз бўлган дилбандларингизнинг иқболи муҳим эмас. Аксинча, лаҳмингиз роҳатингиз зарур... Балки, бунини тушунишингиз учун ҳали вақтингиз бордир.

Ишонч ришталарин узгувчи тармоқ...

Бугун ижтимоий тармоқлар, онлайн чатлар тўғрисида қалбларимизда ҳукмрон ишонч “иплари” таранг тортилган. Ҳаттоки, айрим оилаларда эр ёки хотин-

нинг вафосизларча бошқа бир инсон билан яширин суҳбатлашиши ана шу ишонч “иплари”нинг узилишига олиб келди. Аммо шунда ҳам кўпчилик ушбу ҳолатларнинг гувоҳи бўлишига қарамай, хулоса қилмади.

Ҳали турмушга чиқмаган йигит-қиз бамайлихотир танишиб, андишасизларча “севишишга”, шахвоний сўзларини бир-бирига айтишга ҳам улгурмишпоти. Энг ёмони, бу беҳаёлик “ўргимчак тўри”нинг минг-минг, миллионлаб асирлари кўз ўнгиде содир бўлмоқда.

Яқинда мен ишлайдиган қилму раҳматиде дилни хуфтон бингучи воқеа содир бўлди. Ҳа, бу айни давр учун табиий ҳолга айланб улгурган ҳодиса деяпсиз-а? Бу гапингиз тўғри. Ахир интернетда эндиликда кўпроқ муаммолар, уруш-жанжаллар, фаҳша чорлов ва ҳаттоки қотилликлар ҳукмронда. Келинг, энди сизларга воқеани айтиб берай:

...Қора “Нексия” автомашинаси. Рулда басавлат, чамаси ўттиздан ошган, соқол қўйган йигит. Унинг ёнидаги ўриндиқда малларанг, кўнғироқ сочли, оппоқкина қизалоқ ўтирибди. Оғзидеги сўргичидан эндигина икки ёшга тўлганга ўхшайди.

**Ҳаёт оғир синовлардан
иборат. Кимдир унинг
шамолларида қум
зарраларидек соврилади.
Ундан на яхшилик, на эзгу
ном, на комил фарзандлар,
на хотира қолади. Ким эса
уларга дош бериб, ўз
“Сусамбил”ини кашф этади.
Ибратли ҳаёт кечиради ва
хамон мақсадидан оғишмай,
асл инсоний умр тотини
тотмоқда.**

Кўча шовқин. Олдинги ўриндиқдаги ширин қиз эса лолу ҳайрон. Бир аёлга, бир калтакланаётган эркакка мунчоқ кўзларини катта-катта қилиб аланглайди.

– Ҳой, сен! Бировнинг хотинига кўз олайтиришга, йўлдан уришга уялмадингми, ифлос! Тинч қўй мени мард бўлсанг, хотинимда гапим бор! – дея яна ўша эшик томон қўл узатди боланинг отаси. – Эй-й, сен мени нега алдадин! Нега айтган жойингга бормадинг. Нега бунини машинасида сайр қилиб юрибсан? – деди яна у.

– Э-э, йўқол. Мен сени танламайман. Эшитдингми, сен танламайман! – деди аёл унга жавобан бақириб. Унинг кийган либосидан сал аввалроқ фариштадек тасаввур қилган эдим. Энди эса, суф, сендек шайтоннинг урғочисига, дея нафратим ортди.

Нафақат аёлнинг юзсизлигига, балки бир йигитнинг кадр-қиммати, орзулари, ишончи, пок муҳаббати топталганига, бир мурғак гўдакнинг ўрта йўлда қолаётганига эзилдим, йиғладим. Қаниди, бу шунчаки хаёл ёки туш бўлишини Тангридан ёлвордим.

Аммо бу ҳақиқат эди. Машина ҳайдовчиси уларнинг тортишуви давомида аёлнинг хуштори эканлиги маълум бўлди. Унинг бир кўнғироғи билан дарҳол етиб келган “мардлар” қизчанинг отасини устидан қаҳ-қаҳ отиб қулишди. Кун келиб мана шу қилмишлари ўзларига қайтишини, азоб кечишини ўйлашмади.

– Сенга охирги сўзим, телефонингга, инстаграмингга, чатингга ўт тушин! У билан кўнғироқлашиб, учрашиб юргани уялмаган виждонингга лаънатлар бўлсин, – дея машинани эшигига жон-жаҳди билан тепиб, улардан олислади эркак.

Аёл ҳам, икки барзанги ҳам, дадасининг ортидан мўлтираб қолган беғубор кўзлар ҳам шу заҳоти биздан олислади. Шунинг билан гўзал бир оила ҳам қўлдан кетди. Ватан учун, парчаланган юрак учун дармон туйгулар кетди...

...Интернетдаги биргина танишув, пинҳона суҳбатлар, суратлар юбориш, яширин изҳорлар, сирли учрашувлар гўзал оилани пароканда этди.

Ёки сиз ҳали ҳам тақдирни айблайверасизми? Ҳаётни бе-шафқат деб, айбни ўзингиздан соқит этаверасизми? Йўқ, инкор этолмайсиз. Интернет сиз хоҳлаган нарсага ва сизни қандай инсон эканлигингизни ўзингизга кўрсатиб берди. Юзингизга, онгу шуурингизга кўзгу тутди.

Қалб кўзларингизни очинг, уйғонинг. Дунёдаги энг гўзал боғ бўлмиш, оила боғига фақат яхшиликлар мужассам бардавом келажак инъом этинг.

**Диладфруз УРИНБОЕВА,
ЎЗЖОКУ талабаси**

Ёшлигимизда катталар бирор ноҳўя иш қилсак уят бўлади, дея ўргатишган. Ўша уятнинг ортида жуда катта қадриятларимиз мужассамдек. Ахир андиша қилганимиз, юзимиз қизармаслиги учун ҳам нопок ишлардан, ноҳўя қилмишлардан сақланамиз. Лекин уятнинг кейинги пайтларда қиймати, қадри йўқолиб бораётгандек. Масалан, тез-тез қилган хатосини яшириб унданам катта хатоларга йўл қўяётганларни кўп кузатамиз. Йил бошида чала туғилган икки нафар эгизак фарзандини елим халтада ташлаб юборган қиз иктимой тармоқларда муҳомадаларга сабаб бўлди. Хўш, у аёл нега шундай қилди?



АВВАЛО ЎЗИНГИЗДАН УЯЛИНГ!

Албатта, никоҳсиз туғилган боладан қутулиш мақсадида жамиятдан, одамлардан уягани учун шундай қилди, дерсиз? Лекин ўзидан, икки нафар дунёга келиши мумкин бўлган бегуноҳ боладан уялмади. Бунга ким сабабчи ана ўша жамият, ота-она, муҳит айбдор. Уят, уят, уят дейверганимиз учун қизлар ҳомиладор бўлиб қолса бошқаларнинг олдида шарманда бўлмаслик учун болаларини ҳожатхонага ташлаб кетади ёки бирваракайига эгиз фарзандни елим халтага солиб ташлайди. Одамлар кўрмаса бўлди, шарманда бўлмас бўлди. Уят деган гап кўп ишлатиладию одамлар кўзига, жамиятга ибоби, ҳаёли бўлиб кўриниб биринчи ўринда, лекин икки инсонийлик, виждондан уялиш деган нарсалар умуман тарбияланмайди. Бунга оиладаги муҳит сабабчи. Қизларга уят бўлади, ибоби бўл деймиз, лекин ИНСОН бўлиш керак деб ўргатаймиз. Қалбида уятдан ҳам кўра инсонийлиги бўлган қизлар ҳеч қандай ёмонликка қодир бўлмайди. Қизларимиз олдида ёшлигидан катта мақсадлар қўймаймиз. Оналаримиз латта-путтага ўч, эрта-роқ қизини яхшироқ ўйга эрга берса бўлди. Қизингизга эр ҳақида гапирмасангиз, фақат оилани миясига сингирмасангиз эрсиз, оиласиз қолиб кетадигандек гўё. Олдига катта мақсад қўйган қизлар мактаб даврида ноқий йигитлар билан севишмайди, кўчада ҳаёли, ибоби кўриниб ички оламида фақат эр ёки йигит ҳақида ўйламайди.

Тахририятга бир мактуб келди. Чекка қишлоқларнинг бирида бир қизни ака-укалари ва отаси хатто коллежга жўнатмай қўяди, ёмон йўлга юриб кетади, деб. Лекин ўша қиз 30га киргандан номусидан ажрайди. Ахир уят бўлади билан иш битмайди. Бу қиз балки ўқиганида, оқу қорани кўрганида олдинроқ турмушга чиққан ва номусидан ажрамаган бўларми-

ди? 30га кирган ўз ҳаётига аллақачон хўжайин бўлиши керак бўлган қиз чорасиз, ҳеч ким кўшмай қўйган, оқибатда ўзимни ўлдирман, дейди... Нега чунки улар ҳаётнинг бошқа томони борлигини билмайдилар. Йигит билан қиз муносабати ҳақида билим йўқ, яъни жинсий ҳаётга тайёр эмаслар. Европалашган оилаларда нимагадир қизлар ва йигитлар дўст бўлиб юрадилару, лекин муносабатга киришиб кетмайдилар, чунки уларнинг йигит ёки қиздан бошқа яна қизикадиган нарсалари бор, хоббилари бор. Муסיқага қизикади, санъатга қизикади, карерага қизикади.

Яна бир мисол худда ўша пайтлари ҳамюртларимиз – уч нафар эркак кийимсиз бўлиб кўчада такси орқасидан чиқишганди. Улар жавобгарликка тортилаётган пайтда юзини тўсди, яъни уялди. Нега уялди? Уларда уят бормиди? Йўқ, мутлақо йўқ, агар уят бўлганида пул, яъни гаров уйнагани учун кийимсиз кўчада югурмасди. Унда нега юзини тўсди, шунчаки жамиятдан, одамлардан уялди. Ўзидан уялмади, виждони қийналмади, булар ҳам худди шундайлар тоифасидан – қилаётган қабиҳлиги омма орасига чиқмаса бўлди. Кўпинча гувоҳи бўлаётган бундай воқеалар орқали айримларнинг ҳеч ким кўрмаса бўлди ҳар қандай қабиҳ иш қилишдан тоймаслигини англаяпмиз. Одамлар кўриб қолмаса бўлди. Энг қабиҳ ишни қилиб одамлар орасида ҳеч нарса бўлмагандай яшай-веришади, зарра виждони қийналмайди. Билмадим биз ҳозир билганларимиз шу, яна биз билмаганимиз, орамизда шундай ишларни қилиб лекин ҳеч ким билмагани учун шарманда бўлмаганидан хурсанд яшаёт-

ганлар қанча. Баъзида писмиқ ва кўрқоқ, инсонийлик ва виждони тарбияланмаган бундай худбинлар миллат юзига доғ тушираётгандек туюлади...

Хўш, АТРОФДАГИЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Нигора БҮРИБОЕВА:
– Қўшнимнинг 30га яқинлашиб қолган, ҳали эрга тегмаган қизи бир субутсиздан ҳомиладор бўлиб қолди. Бечора қиз туғишга аҳд қилди. Лекин оиладаги муҳит, беш ака-уака отанинг таъйиқлари, ҳақоратларидан тўйган қиз охири жонига қасд қилди. Тўртинчи қаватдан ўзини ташлаб юборди. Оиласи, ўз жигарлари бир эмас, икки жоннинг қотилларига айланди. Қизнинг бегувор, содда боқшлари ҳали кўз олдимда...

Анвар АСЛИДДИНОВ:
– Ҳа уят бўлади, деган тушунчанинг ўзи кифоя қилмайди. Жамиятдан, одамлардан эмас, одам ўзидан, виждонидан уялиши керак. Ана шунда ҳар бир одам қадамини ўйлаб босади.

Муҳаббат ЭЛИБОЕВА:
– Бу инфосизларда на иймон, на инсоф ва на уят йўқ аслида. Энг ачинарлиси, онг ҳам йўқ. Онги бўлса ҳеч қурса исталмаган ҳомиладор олдини оларди, сақланарди...

Яқинда бир қизниқига ўғлимга совчиликка бордик, қиз яхши, оиласи тартиб-интизомли дея роса мақталган, хуллас, бизни дастурхон тўла нознеъматлар билан қўллар кўксидан чиройли қутиб олишди, ҳаммаси рисоладагидек кетаётганди, асосийси қиз ўғлимга маъқул, онаси менга маъқул келди, кетар чоғимизда ҳовлида юрган мушук юғуриб келиб оёғимга суйкалди, мушуқларни яхши кўришимни ҳис қилди

шекилли, энди энгашиб эркалайман деб турсам аёл (қиздони тарбияланмаган бундай юборди, инқиллаб қолган мушукка боқиб жоним чиқиб кетди... бекор қилдингизда, мушукдек беозор жониворга озор бердингиз дедиюм қайтиб қадам босмадим бу остонага...

Нафақат уят, балки ҳайвонларга муҳаббатни ҳам тарбиялашимиз керак аслида.

Қосимжон РАЗЗОҚОВ:
– Жуда долзарб муаммо. Бу бошланиши, ҳозирдан олди олинмаса кейин кўп муаммоларни туғдиради. Инсонда билим, айниқса, дунёвий билим бўлмаса ҳаётда жамиятда шахс бўлиб шаклланмайди. Бехудага айтилмаган тарбиялаб таълим берайлик, таълим бериб тарбиялайлик деб...

Ширин ҒАФУРОВА:
– Европаниқидек “Бэйби” бокслар жуда зарур. Ҳеч бўлмаса адашган қизлар чақалоқни ўша эрга ташлаб кетсин, токи уят ниқоби ортида болаларни ўлдирмасин, у болалар бирор оиланинг сеvimллари бўлиб улғайишсин...

Рая ЕРНАШЕВА:
– Аслида фақат қизларни эмас, ўғил болани ҳам тўғри тарбиялаш керак, токи менга нима деб... қиз болани алдаб ёки зўрлаб жабрламасин. Бир сўзи мард ўғлон бўлиб ўсса, нафақат сингилларни, барча қизларни кўриқлашга тайёр, виждонли бўлиб етишади.

Бизда қиз болани асраб-авайлаш бору ўғил болага эркак деб қаралади. Мана шу кўп нарсаларга олиб келади.

Меҳрия ХОНИМ:
– Оналар... оналар... оналар... айбдор кўпинча бундай ҳолларда. Оналар қизлари билан сир-

дош бўлиши керак, оналар қизларига тушунтириши керак жинсий ҳаёт ҳақида, ўзларини асрашлари, никоҳ ҳақида ва ҳалол фарзандлар туғилиши ҳақида. Фарзандни нафақат яхши едириб, чиройли кийинтириш, балки чиройли тарбия ҳам бериш керак.

Гулчеҳра НОСИРЖОНОВА:
– Ибрат олишга лойиқ бир воқеа эсга тушди.

Хавотирга тушган аёл гинеколог хузурига шошилиб кирди:

– Доктор менда жиддий муаммо бор. Сизнинг ёрдамингиз керак. Болам туғилганига ҳали йил ҳам тўлмади, лекин мен яна ҳомиладорман. Болаларимнинг ёши деярли тенг бўлишини хоҳламайман.

– Хўп. Хўш, мендан нима ердан керак сизга?!

– Менинг ҳомиладорлигимни тўхтатсангиз, яъни аборт қилсангиз. Бу иш сизнинг қўлингиздан келади!..

Доктор бироз сукут сақлаб, шундай деди:

– Менда бундан ҳам яхшироқ фикр бор. Бу сизнинг фикрингиздан ҳам яхши. Соғлигингизга ҳам зарари йўқ.

Аёл доктор уни тушинганидан хурсанд бўлиб юзига табассум кирди. Доктор гапида давом этди:

– Мен шундай нарсани таклиф қиламанки, сизга бирданга иккита фарзандга қараш керак бўлмайди. Келинг, дунёга келган фарзандингизни ўлдирамиз. Шунда сиз қорнингиздаги фарзанд дунёга келгунича бироз бўлса ҳам дам оласиз. Нима фарқи бор? Барибир иккита фарзандингиздан биттасини ўлдиримиз керак-ку... Дунёга келганини ўлдирсак, соғлигингизга ҳам хавф туғдирмайди.

Аёл дахшатга тушиб шундай деди:

– Йўқ, доктор! Бу ахир даҳшат-ку! Тирик фарзандни ўлдириб жиноят-ку!

– Тўғри, гапингизга қўшиламан. Лекин сиз шу жиноятга қўл уришга тайёр эдингиз-ку! Нима фарқи бор?! Қориндаги фарзандни ўлдирасизми ёки дунёга келганини?! Барибир иккиси ҳам жиноятку!..

Аёл қилган хатосини тушуниб йиғлаб юборди. Доктор эса уни нотўғри йўлдан қайтарганидан хурсанд эди...

Ҳа, қачонки ҳар бир инсон, аввало, ўзидан уялса ноҳўя ишга қўл урмайди. Ахир ноҳўя, нопок ишни яшириш мумкин-дир, одамлар кўзидан нари қилиш мумкиндир, аммо бу юк билан умрбод яшаш осонми? Агар инсоннинг виждони бўлса, бу юк билан яшаш ҳам осон эмас. Биз фарзандларимизга ҳақиқий Уят ва Виждон нима эканлигини тўғри англатиб бормоғимиз даркор. Ҳар бир инсон, аввало, ўзидан уялсин, ўзгалардан эмас... Ўзидан уялган одам ўзгалар олдида хатосини хаспўшлашга, айбини яширишга ҳам ҳожат қолмайди.

Барно СУЛТОНОВА

10 | ХАЁТ СЎҚМОҚЛАРИДА

ДАДАЛАР... УЙГА ҚАЙТАДИЛАР!

КУНДОШИМНИНГ КУНИ БОШИМГА ТУШДИ

Ҳар доимгидек ишдан қайтарканман, Амир Темур хиббони бекатидан уч боласини етаклаб маршруткага чиққан аёл эътиборимни тортди. — Ширинтойларни театрга олиб бордингизми? — деб сўрадим болаларнинг қўлидаги ўйинчоқларга ишора қилиб. Аёл Тошкент шаҳар халқ қабулхонасига шикоят билан келганини, у ердаги ходимлардан бири болаларини ўйинчоқ билан сийлаганини айтди. Насбим тақозоси туфайли уни суҳбатта тортдим.

— Гўдакларимни отаси ташлаб кетган, — дейди у. — Ҳозир бошпанасиз, ишсизман, опамнинг уйда яшаб турибмиз. Йигирма ёшимда қилган хатоимнинг жазосини энди тортяпман. Бир пайтлар ёшлик қилиб хўжайимни йўлдан уриб, шаръий никоҳ ўқитиб, тегиб олгандим. Кундошимни икки ёш боласи билан ташлаб, мен билан ўн йил бирга яшади. Ҳозир катта қизим тўққиз, ўртанчаси олти, кенжатоим тўрт яшар. Хўжайим нуфузли ташкилотда ишларди. Топиш-тутиши яхши, бекаму кўст, дангиллама уйда яшардик. Банкдан катта миқдорда кредит олиб, янги иш бошлагандик. Тадбиркорликни эпложмагач, уйимизни сотиб, қарзларини тўлади-ю, бизни уй-жойсиз, ҳеч вақосиз ташлади-кетди...

— Уша пайтлар қилган ишингиздан афсуслансангиз керак?

— Ёш эдим, атрофимда енгилтабиат дугоналарим кўп бўлган. Энди буни муҳокама қилишдан отайди йўқ! Ҳозир болаларимга фиданини белгилатиш, алимент ундириш учун ҳаракат қилаяпман.

БИЗНИ ДЕБ ОТАМНИ КЕЧИРДИ

— Дадам бизни ташлаб, бошқа аёлга уйланиб кетганида синглим бир яшар, опам 11, мен 6 ёшда эдим. Онам уч қизни етаклаб, тоғамникига борди. Буваам қистови билан тоғам ховлиси этагидан икки хонали



уй қуриб берди. Онам бизни боқиш, қорнимизни тўйгазиш учун кечаю кундуз тинмай ишларди. Эрталаб маҳалламиздаги мактабни тозалаб, соат ўн иккиларга яқин болалар боғчасига бориб, супуриб келарди. У ердан қайтиб, тушлик қилиб олгач, соат беш-олтиларда ошхонага идиш-товоқ ювиш учун кетарди. Мактабдан келиб, онамга ёрдам берардим. Сиқилишлар натижасида бронхитал астма касаллигини орттириб олди. Даволатиш учун ортиқча маблағимиз йўқ эди. Онам бизни кам-кўстсиз ўстириш учун соғлиғидан кечиб юрган пайтда дадам ўғай қизларини муסיқа мактабига, спорт машғулотларига олиб бораркан. Қизларининг бири машҳур скрипкачи, иккинчиси спортчи. Биз уч опа-сингил мактабда яхши ўқиган бўлсак-да, институтда ўқишга имконимиз бўлмади.

Дадамнинг иккинчи хотини оламдан ўтгач, қизлари уйдан ҳайдаб юборди. Бу вақтда онам бизни узатган, оилали бўлиб улгургандик. Отам нарсаларини машинага ортиб, уйимизга кириб келганида, тошдек қотиб қолдим. Опамнинг уйига борган экан, кечирмаслигини айтиб, останадан қайтариб юборибди. (Опам кейин ҳам уни кечирмади.) Хўжайим отасиз ўсгани учун ҳам оталарни жуда қадрлайди. Унинг раъйига қараб, дадамни кечирдим. Кексайиб, кучдан қолганида отам биз билан яшай бошлади. Аммо, секин-аста қайнота-куёв ўртасида келишмовчилик пайдо бўлди. Шунда онам бечора бизнинг тинчимиз учун умрининг сўнгига дахилаткор эрни кечириб, ўз уйига қабул қилди.

ОИЛАСИНИ УНУТИШИГА ЁРДАМ БЕРДИМ

— 32 ёшимда турмушга чиққанман, — дейди Зилола исмли аёл. — Турмуш ўртоғим билан кафедра танишганимиз. Уша пайтлар аёли билан келишолмай, аразлашиб юрган экан. Отамнинг норозилигига қарамай, шаръий никоҳдан ўтдик. Тўйимизни ҳашаматли тўйхонада ўтказдик. Оппоқ либосда, маликалардек келин бўлдим. Тўй охирида пайт кундошим икки боласини етаклаб, тўйхонага кириб келди. Болаларининг каттаси дадаси бағрига ўзини отиб: “Дадажон, бизни ташлаб кетманг”, деб йиғлаб “томоша” кўрсатди. Қариндош-уруғлар яхши гапириб, аҳволни тушунтириб, аёлни уйига жўнатиб юборишди. Бундай бўлишини кутмаган акам: “Юзимизни ерга қаратдинг, бу кунни кўргандан ўлганим яхшийдир”, деб тўйхонадан чиқиб кетди. Хўжайим анчагача сиқилиб юрди. Аммо мен бу воқеани ва хотинини унуттиши, оиласидан узоқлашишига ёрдам бердим. Тўйдан кейин кўни-кўшнлар мени роса гийбат қилишди. Нима қилай, бахтим учун курашдим. Ахир бир оиланинг бекаси, бир эркакнинг суюкли ёри бўлишга мен ҳам ҳақлиман-ку.

БИР АЁЛНИНГ БАХТИГА ИККИНЧИСИ ЧАНГ СОЛАР

Муслима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
тарбиячи:

— Айрим қизлар буй етиб, уйига совчилар кела бошлаганида йигит танлашади. Номзод албатта, топармон-тутармон, обрў-эътиборли, келишган бўлиши керак, деб уйлашади.

Аста-секин унинг эшигидан совчилар қадами узилади, вақт ҳам, қизнинг ёши ҳам ўтаверади. Шунда бирдан ташвишга тушиб, ҳеч бўлмаса, бир-иккита бола туғиб олиш илинжида оила қуришга ҳаракат қилади. Уйланмаган йигитлар 30 ёшдан ошган қизларга кўп ҳам оғиз солишмайди. Шунда улар хотини билан келишолмай юрган пулдор эркакнинг бошини айлантириб, тегиб олишади. Бундайлар бировнинг бахтсизлиги эвазига оила кураётганини тан олишни исташмайди. Бир аёл бахтига иккинчиси чанг солади. Ўртада ота меҳрига зор болалар сарсон. Эркакнинг хиёнатидан зада бўлган аёл эса трикчилик ташвишида кундан-кунга сиқилиб, ҳаётга қизиқиши сўниб бораверади.

“БОЛАЛАРИНГИЗГА АЛИМЕНТ ТўЛАМАЙСИЗ!”

Гулнора ҚОСИМОВА,
маҳалла фаоли:

— Айни кунларда бир оиланингни муаммосини ечолмай, бошимиз қотган. Маҳалламиздаги иккита ўғли бор эркак аёли билан қонуний ажрашмай туриб, 26 яшар қизга уйланиб олди. Биринчи аёл қайнона билан келишолмади. Қайнонанингни ўзи сўраб-суриштириб, ўғлига шу қизни олиб берди. Ўртада яна бир ўғил туғилди. Иккинчи келин бироз ўткирроқ чиқиб қолди. Қайнона-си билан келишолмай, эр-хотин алоҳида ижара уйга кўчиб кетишди. Аммо эркак иккинчиси билан ҳам тиниб-тинчиб яшаётгани йўқ. Энди иккинчи хотини: “Болаларингизга алимент тўламайсиз”, деб жанжал кўтаряпти. Ҳамма ишни бошлаб қўйган қай-

нона бошқа ўғиллари билан тинчгина яшаяпти. Афсуски, орамизда мана шундай, узоқни уйламай иш қиладиган, фарзанди ҳаётини бир умрга нотинч қилиб қўядиган оналар ҳам бор. Бундай қайноналар билан кўпроқ ишлашимиз зарур.

ОТ АЙЛАНИБ, ҚОЗИФИНИ ТОПАДИ

Маҳбуба Мираҳмедова,
Оилашунос:

— Аёл киши фарзандли бўлгач, вақтининг асосий қисмини бола парвариши ҳамда рўзгор юмушларини адо этишга сарфлайди. Келинлик давридаги каби ўзига оро беришга вақт тополмайди. Уйда кетма-кет туғилган болаларнинг инжиқликлари, бири туни билан иситмалаб чиқса, бошқасининг мактабдаги муаммолари... Ҳали боғчага, мактабга югуриб толиққан, аёлининг ҳорғин ва ташвишли чехрасига қараб, сиқилиб, асаби бузилган эркак, уйдаги муаммолардан узоқроқ бўлиш учун кўчага чиқади-ю ташвиши йўқ, ўзига оро бериб юрган бошқа бир аёлнинг тузоғига қандай илинганини сезмай қолади. Иккинчи хотин бўлишга рози аёллар асосан топиш-тутиши яхши эркакларни ўзига жалб этишга ҳаракат қилишади. Белидан қуввати кетиб, чўнтағида пули камайган эса кўчага ҳайдашади. Эркакнинг ёши ўтиб, ҳаётнинг пасту баландини тушуниб етгач, кўр кўзлар албатта очилади. Иккинчи хотиннинг талаблари, макри, барибир айтганимни қилади, деган қарашлари унинг жонига тегади. Ота бўлган ҳолатлари ва биринчи хотинининг муштипар қиёфаси тез-тез кўз олқандан ўтаверади. Олдиндан оқдан сувниги қадри йўқ, деган мақолнинг топиб айтилгани эркаклар шундай пайтда ҳис этадилар. Кўз очиб кўрган аёлини, фарзандларини кўмсайдилар. Ҳатто жанжалкаш аёлидан безиб, кўчадан бошқа бирини топган эркаклар ҳам вақт ўтиб, ўз уйига қайтади.

Ҳар бир одамнинг кун тартиби, яшаш тарзи, мақсадлари турлича бўлади. Биз кимнингдир ҳаёти, тақдирига тош отиш, қоралаб ниятидан йироқмиз. Мақсадимиз ҳар ким умр йўлдоши билан бахтли бўлсин. Қўша-қариш саодати насиб этсин. Нафс ҳавасига учиб, болаларининг бахтини кемтик, юрагини зада қилмасин. Ҳеч бир аёл ҳам, эркак ҳам хиёнатнинг шўр таъмини симирмасин. Кимнинг кўнглига тош отган бўлсак, вақти келиб уша тош ўзимизнинг кўнглимизни синддиришини унутмасак, бас.

Нигора РАҲМОНОВА,
журналист

РАҒБАТ ЯНА ОЛГА ЧОРЛАЙДИ


Алоқа соҳаси ҳақида сўз кетганда, кўпчиликнинг кўз олдида почтачи ёки телефончи гавдаланади. Аслида, у ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган соҳа. Лекин мазкур соҳада кам баҳс юритиб, унинг фидойиларини деярли унутамиз. Шу ўринда савол тўғрисида: нега тунларни кунга улаб, ишнинг оғиру енгилини гарданига олганлар тўғрисида жиммиз?

Ана шундай заҳматкаш инсонлардан бири – “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали директори Ориф МАҲМУДОВ билан бугунги суҳбатимиз почта соҳасининг заҳматлари, тизимда амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар хусусида бўлди.

– Почта алоқаси йилдан-йилга ноанъанавий хизматларни кўрсатиб келмоқда. Айтинг-чи, бу борада сиз раҳбарлик қилаётган филиалда қандай янги хизматлар жорий этиляпти?

– Бизнинг филиал ва унга қаршли почта алоқаси боғламаларида 2017 йилдан аҳолига нафақа пулларини тарқатиш хизмати тўхтатилгач, иккитадан почта алоқаси боғламалари ва уч-тўрттадан почта алоқа бўлимлари бирлаштирилди. 2018 йилда Чироқчи, Муборак, Бешкент, Гуздор, 2019 йилда Китоб ва Миришкор ва 2020 йилда Нишон почта алоқаси боғламалари қайтадан ташкил этилди. Бу эса туман марказидаги юридик ташкилотлар ва аҳолига анча қўлайликлар яратди.

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали 2018 йилда 6 903 498,8 минг, 2019 йилда 9 291 670,0 минг, 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида 4 507 004,0 минг сўм даромад қилди. Филиал таркибида 14та почта алоқаси боғламаси ҳамда 172та алоқа бўлими мавжуд бўлиб, улар жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Йилдан йилга ички ва халқаро хатларни, почта варақчаларини, жўнатма (посилка) ва бандеролларни, майда пакетларни, махсус ўралган даврий нашрларни, пул ўтказмаларини етказиб бериш кўлами кенгайиб борапти. Шартномавий хизматларга кўра даврий нашрлар обунаси, телеграммалар, коммунал ва газ баллон, UzDigital-TV, мол-мулк ва ер солиқлари, Beeline, Ucell, UMS



тўловларини қабул қилиш, UzDigital телекарталарини сотиш, газета ва товарлар чакана савдоси ҳам йўлга қўйилган.

Янги ташкил этилган тезкор почта ва курерлик хизмати ҳам мавжуд бўлиб, почта варақчалари, хатлар, жўнатма ва бандероллар етказиб берилляпти. Курерлик хизматидан вилоятдаги йирик ташкилотлар фойдаланиб келмоқда. Кўшимча хизматларга почта маркалари ва филателистик маҳсулотларининг чакана савдоси, почта жўнатмаларини сақлаш ва ўраб бериш ва бошқалар қиради.

Давлат хизматлари марказлари томонидан берилган хужжатлар ҳамда “Алоқабанк”, “Халқ банки”, “Асакабанк”, “Ипотекабанк”, “Ипак йўли банк”нинг Қашқадарё вилоят филиаллари билан ҳамкорликда пластик карталар ва хат-хабарларнинг етказиб берилётгани ҳам аҳолига анча қўлайлик яратмоқда. “Ўзбекистон почтаси” АЖ ва АТ “Алоқабанк” ўртасида аҳолидан тўловларни қабул қилиш хизматини кўрсатиш бўйича агентлик шартномаси имзоланган. Тўловларни қабул қилишда автоматлаштирилган тизимнинг “ТҚҚАТ-2-Мунис” дастурий модулидан фойдаланиш йўлга қўйилди. Ушбу дастур орқали солиқ, бюджет

ташкилотлари ҳисобига тўловларни амалга ошириш, шунингдек, божхона божларини қабул қилиш, ягона дарча хизматлари, йўл қондаси бузилгани учун жарима, паспорт ва доимий яшаш гувоҳномаси, маъмурий жарималар, МИБ он-лайн аукцион хизматлари, чет элга чиқиш паспорти учун, бундан ташқари, боғча тўловлари, контракт пули ва бошқаларни ҳам амалга ошириш мумкин.

– Давлатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги байрами муносабати билан тақдирланганлар орасида сиз ҳам бор эдингиз...

– Бу мен учун энг қувончли кунлардан бири бўлди. Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳаси раҳбарлари билан тақдирландилар. Жумладан, мен ҳам “Моҳир алоқачи” фахрий унвонига муносиб қўрилдим. Мен ушбу мукофотни жамоамизники деб биламан. Бизга кўрсатилган ушбу эътибор ва рағбат янада олга интилишимизга, зиммамиздаги маъсулиятнинг эса бундан-да ошишига хизмат қилади, деб ўйлайман.

– 2019 йил сиз учун баракали келдими? Иқтисодий натижаларга эришиш ўз-ўзидан бўлмаса керак?..

– Албатта, жамоамизда иқтисодий ислохотларни янада чу-

қурлаштириш, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, замонавий ва илғор инфратузилмани шакллантириш, маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, асосийларидан ташқари қўшимча хизмат турларини йўлга қўйганимиз ютуқлар омили бўлди, назаримда.

– Буни яна нималарда кўряпсиз?

– Янги ташкил этилган хизматларни назарда тутаяпсизми? Филиалимизда 2019 йилги даромадларни кўпайтириш ҳамда молиявий-иқтисодий аҳволни яхшилаш мақсадида Бош прокуратура ҳузурдаги вилоят, туман (шаҳар)лардаги Мажбурий ижро бюрослари билан жўнатмаларни қабул қилиш учун шартнома имзолашга муваффақ бўлинди. Соф фойдани ошириш ўз-ўзидан бўлгани йўқ, Ходимларимизнинг ўз вазифаларига бўлган иштиёқи, яратилган шароитлар, вазифаларини сидқидилдан бажариши, энг асосийси, соғлом муҳитнинг юзага келгани ҳам ютуқлар сари етакламоқда. АКТ вазирлиги, вилоят ҳокимлигининг эътибори, қорхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликларимиз муваффақиятлар қилити бўлди, десам адашмайман.

– Бундан икки-уч йил олдин туман почта алоқаси тармоқларининг бирлаштирилиши қандай натижаларни берди. Нега кейинчалик тармоқлар яна алоҳида ташкил этилди.

– Тўғри айтасиз, филиал таркибида 14та почта алоқаси тармоқлари мавжуд бўлиб, улар таркибида 168та алоқа бўлими фаолият кўрсатар эди. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда бўлган узилишлар туфайли айрим туман почта алоқаси тармоқлари бирлаштирилган эди. Натижалар ҳам ўзига яраша бўлди. Аҳрли ва мижозлар талаби ва истакларига кўра тармоқлар яна алоҳида ташкил этилди.

– Филиалда ходимлар сабоҳияти ва малакасини ошириш, зарур шароитлар яратиш, бўш вақтларини кўнгли ўтказиш масаласи қандай ташкил этилган?

– Ходимларнинг 160 нафардан ортиги алоқа бўлими бошлиқларидир. Яна қанчадан-қанча оператор, почтачиларимиз бор. Уларнинг соғлиқларини тиклаш, тарихий шаҳарлар бўйлаб саёҳат уюштириш, кекса авлод вакиллари билан учрашувлар ташкил этиш, спорт мусобақаларини уюштириш доимо эътиборимизда. Сафимизга қобилиятли ёшлар қўшилипти. “Устоз-шогирд” анъаналарини ҳам тўхтатмапмиз. Ассан уларнинг муомала маданиятини ошириб, хизмат кўрсатишда тезкорликни йўлга қўйиш лозим. Бугунги эришаётган ютуқларимизда аҳил жамоанинг бирдамлиги, ислохотларни оғишмай амалга ошириш, давр билан ҳамнафаслик олдимиздаги бош вазифа саналади.

– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Суҳбатдош
Афтондил ИСМОИЛОВ

Маълумот ўрнида:

Ориф Маҳмудов 1961 йили Шаҳрисабз туманида туғилган. 1980-1985 йиллар Тошкент электротехника алоқа институтини (ҳозирги ТАТУ)нинг электралоқа муҳандислиги, 1996-2000 йилларда Тошкент давлат иқтисодий университетининг менежмент йўналишини тамомлаган. Фаолиятини 1978 йили Қашқадарё вилоят электралоқа боғламасининг Шаҳрисабз бўлимида электромонтерликдан бошлаган. Кейинчалик автоматлаштирилган станция муҳандиси, касаба уюшмаси кўмитаси раиси, Шаҳрисабз почта алоқаси боғламаси бошлиғи ўринбосари, “Арабон” алоқа бўлими бошлиғи, филиалнинг почта алоқаси хизматларини ташкил этиш бўлими етакчи мутахассиси, тафтиш гуруҳи бошлиғи, филиал директори ўринбосари, почта хавфсизлик хизмати инспектори вазибаларида ишлаган. 2012 йилдан бошлаб “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали директори лавозимида ишлаб келмоқда.

12 АЛОҚА ОЛАМИДА



СИЁСАТ

БАЙДЕН АҚШНИНГ HUAWEI GA ҚАРШИ УРУШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИМИ ЁКИ...

Доналд Трампнинг президентлик даври технологиялар соҳаси учун асосан АҚШнинг Хитой компаниялари, хусусан, Huawei билан урушлари кўринишида из қолдирди. Энди, янги президент сайланганидан сўнг, айримларда умид уйғоняпти — балки ҳаммаси изга тушар... Nikkei Asia нашри Байденнинг галабаси Осиё учун нимани англатишини ёзмоқда.

Технология компаниялари Байден маъмурияти Хитой ва АҚШдаги таъминот занжирлари узилтирилари тиклаши ёки ҳеч бўлмаганда зиддиятни секинлаштиришига умид қилишяпти. Чунки Huawei “қора рўйхат”га киритилганидан бери Америка технология компаниялари миллиардлаб доллар зарар кўрди. Экспертларга кўра, Байденнинг ўртадаги низоли янада чуқурлаштириши эҳтимоли пастроқ, афтидан у Пекингга кўпроқ ҳамкорлик таклифларини бера олади.

Мутахассислардан бирига кўра, Хитойга нисбатан қаттиққўл сиёсатни давом эттириш баробарида, барибир, Байден стратегик мушоҳадасига кўпроқ таянади. Хуллас, Америка компанияларига зарар етказиб қўйган Трампдан фарқи равишда, янги президент эҳтиёткор бўлади.

Шунга қарамасдан, Байден даврида ҳам Хитой ва АҚШ орасидаги технологик рақобат кучайиб бораверади. Хусусан, Huaweiга санкция қўллангандан кейин гишт қолипдан кўчи бўлган: Apple, HP, Dell ва Google ўз таъминотчиларидан ишлаб чиқаришни Хитойдан олиб чиқишни сўрашган. Мисол учун, Apple улкан заводларини Ҳиндистон ва Вьетнамга кўчирмоқда.



6G

ХИТОЙ ДУНЁДАГИ БИРИНЧИ 6G АЛОҚА СУНЬИЙ ЙЎЛДОШИНИ УЧИРДИ

Ўтган йилнинг бошида LG компанияси 6G тармоғини яратишга киришган, кейинроқ Huawei ҳам 6G тадқиқотларини бошлаб юборган. Шунингдек, бош директор Лей Цзюан расман маълум қилишча, Xiaomi ҳам аллақачон олтинчи авлод уяли алоқа тармоғи – 6G устида ишламоқда. Булардан ташқари...

...6 ноябр санасида Хитойнинг Тайюан космодромидан учган Long March 6 ташувчи ракетаси 13та сунъий йўлдошни Ер орбитасига олиб чиқди. Улардан бири University of Electronic Science and Technology (Электрон фанлар ва технологиялар университети) деб номланган бўлиб, у олтинчи авлод уяли алоқа тармоғини синувчи дунёдаги илк сунъий йўлдошдир.

Мазкур сунъий йўлдошнинг яна бир номи Tianyan 05 бўлиб, юқорида тилга олинган университет ҳамда Beijing Weixingkong Technology компанияси билан ҳамкорликда Chengdu Guoxing Aerospace Science and Technology компанияси томонидан ишлаб чиқилган.

Бу сунъий йўлдошнинг асосий мақсади ер юзасини масофадан туриб кузатишдир. У асосан шаҳарсозлик, қишлоқ ва ўрмон ҳужаликлридаги табиий офатлар мониторинги каби соҳалардир. Булардан ташқари, Tianyan 05 бир терагерцлик частотадаги коммуникация юктамаларини ҳам синовдан ўтказди. 70 килограмм келадиган сунъий йўлдош бунинг учун керакли усуналар билан жиҳозланган. Шунингдек, у янги алоқа стандартини фазовий қўллаш учун глобал платформа сифатида хизмат қилади.

Профессор Сюй Яншэн (Xu Yangsheng) баёнотида кўра, Tianyan 05 дунёдаги илк 6G синов йўлдошидир. Бу бир терагерцлик диапазондаги фазовий алоқа технологияларини ўзлаштиришда муҳим бурилишдир.



АЙФОНМАНИЯ

IPHONE 12 MINI: КИЧКИНА АЙФОННИНГ “КАТТА” НУҚСОНИ ТОПИЛДИ

2020 йилнинг 13 ноябрдан яна икки айфон: iPhone 12 mini ҳамда iPhone 12 Pro Max сотувига старт берилди. Релиз арафасида бу смартфонларнинг тафсилотлари, хусусан, камчиликлари (iPhone 12 mini) ҳам очикланмоқда, деб ёзмоқда Ferragu.

5,4 дюймли iPhone 12 mini — Apple 2020 йилда тақдим этган флагманларнинг энг кичкинаси. Бу смартфоннинг “айби” кичиклигида, шунинг учун ҳам муқобил ишлаш даври чекланган (ажралмас аккумулятори ҳажми кичик). Шарҳловчиларга кўра, жуда фаол ишлатилмас минни айфон қувватни бир кунга ушлаб беради. Бу борада унинг аҳоли, iPhone SE (2020)ни истисно қилганда, барча айфонларниқидан ёмон.

Расмий маълумотларга кўра, iPhone 12 mini бир қувватлишида 15 соатгача тинмай видео кўришга яради. Солиштириш учун: оддий iPhone 12да — 17 соат, 12 Pro Махда — 20 соат тўхтовсиз видео кўриш мумкин.

АНДРОИД

МИЛЛИОНЛАБ ANDROID-СМАРТФОНЛАРДА КЎПЛАБ САЙТЛАР ОЧИЛМАЙ ҚОЛИШИ МУМКИН

2021 йилда аксарият андроид-смартфонларда кўплаб сайтлар очилмай қолиши мумкин. Бу ҳақда Android Police нашри ёзмоқда.

Нашрнинг ёзишича, гап дастурий таъминоти 2016 йилдан буён янгиланмаётган смартфонлар ҳақида бормоқда. Муаммо шундаки, 2021 йил кузидан Let's Encrypt хавфсизлик сертификати ва IdenTrust компанияси ўртасидаги шартнома мuddати якунига етади. Ушбу стандарт Windows, macOS, Android ва бошқа платформаларда жорий этилган.

Let's Encrypt сайтида маълум қилинишича, IdenTrust билан шартнома 2021 йил 1 сентябрда тугайди ва шартнома узайтирилмайди. Шу сабабли хавфсизлик сертификати эга бўлмаган браузер ва операцион тизимлар Let's Encrypt кўллаб-қувватлайдиган сайтларни очмайди.

Журналистларнинг қайд этишича, Android 7.0 ва ундан аввалги амалий тизимлар миллионлаб сайтларга кириш имкониятидан маҳрум бўлади.


Маълумот берилишича, эскирган Android тизимида ишлайдиган смартфонлар бозорнинг 30 фоиздан ортиқ улушини ташкил этади. Let's Encrypt сертификати эга сайтлар эса бутун интернет тармоғида 30 фоизга яқин.



РОБОТЛАР

ЯПОНИЯДА ЁЛГИЗ ИНСОНЛАР УЧУН РОБОТ-ҚЎЛ ЯРАТИЛДИ

Япониянинг Гифу шаҳри университети мутахассислари ёлғиз инсонлар қадрига етадиган робот-қўлни яратди. “Севган қизим сайрда” номини олган ихтиродан аёллар меҳри етишмаётган одамлар фойдаланиши мумкин, деб ёзади Futurism.



Уни таққан одам қўлни қўйиб юборганида тушиб кетмаслиги учун қурилма билан қотирилади. Механик қўллар жуда сезгир: робот-қўлга бармоқлар тегиши билан у дарҳол бунга жавоб қайтариб, уни ушлайди.

Олимларнинг таъкидлашича, улар томонидан яратилган қўл максимал даражада инсон қафтига ўхшаш қилиб ясалган. Масалан, у узок вақт ушлаб

турилса, робот-қўлнинг териси терлайди — унинг тешикчалари орқали бироз суюқлик чиқади.

Шунингдек, девайс аёллар шампуни ҳидига эга ароматизатор ва қадамлар товушини берадиган кичик колонка билан жиҳозланган.

Ихтирочиларнинг сўзларига кўра, ёлғиз инсонлар робот-қўл ёрдамида тоза ҳавода узокроқ вақт ўтказиши мумкин.

Шунингдек, ихтирочилар аёллар учун одеколон ёки мотор мойи ҳидига эга қурилманинг эркаклар версиясини тақдим этишни режалаштирмоқда.

РЕЙТИНГ

ЭНГ КЎП СОТИЛГАН СМАРТФОНЛАР НОМЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ (ТОП-10)

Canalys таҳлил компанияси 2020 йилнинг учинчи чорагида энг кўп сотилган смартфонлар рейтингини эълон қилди. Рўйхатга ўн та телефон киритилган.

Рейтингдаги бешта урин Samsung моделидаги смартфонларга тегишли. Булар асосан Galaxy A туркумига кирувчи қурилмалар. Шунга қарамасдан, етакчилик iPhone 11 фойдасига — шу даврда дунё бўйлаб бу турдаги айфоннинг 16 миллион донасидан ортиги сотилган.

Иккинчи ўринда ҳам Apple маҳсулоти — iPhone SE. Кўп сотилиш борасида Samsung Galaxy A21s деярли унга етиб олган.

Рейтингдаги қолган смартфонлар Xiaomi томонидан ишлаб чиқарилган.

Умуман олганда, глобал смартфонлар бозоридида Samsung 23 фоизлик улуш билан етакчи, иккинчи ўринда — Huawei (14,9 фоиз), учинчи — Xiaomi (13,5 фоиз).



Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.

ҚОРАБОҒ СУЛҲИ


Бу ҳақида хориж матбуоти ва сиёсатчилар фикри қандай?

Тоғли Қорабоғ ҳудудида жорий йилнинг 27 сентябридан бошланган қуролли тўқнашувлар поёнига етди. Озарбайжон ҳамда Арманистон Кремл воситачилигида 10 ноябрдан урушти тўхтатиш ҳақида уч томонлама битимни имзолади. Келишувга биноан низоли ҳудудга Россия ҳарбий контингенти киритилади.

Ушбу сулҳ турли хорижий матбуот ва сиёсатчилар томонидан турфа фикрлар билан қарши олинди. Жумладан, Туркия ва Озарбайжон оммавий ахборот воситалари "Арманистоннинг таслим бўлиши" ҳақида ёзмоқда. Боку назорати остидаги ҳудудлар унинг тўлиқ назорати остида. Агдам, Лочин, Келбажар 20 кун ичида Озарбайжонга қайтарилади. Арцахнинг бошқа жойлари (Хонкенди, Хўжали, Хўжавенд) камида беш йил давомида Россия тинчликпарвар кучлари назорати остига олинади, шу билан бирга, қонуний равишда Озарбайжон таркибига киради ва ўзига хос "маданий автономия" вазифасини бажаради. Арман қўшинлари Қорабоғни бутунлай тарк этади. "Бу Озарбайжоннинг ғалабаси! Ва бу Туркиянинг ғалабаси! Озарбайжоннинг ғалабаси бизнинг ғалабамиздир!" – деб ёзади Voice of Turkey нашри.

Расман: арманлар Арцахдаги яшаш жойларига қайтишлари мумкин. Бироқ Озарбайжон ва Туркиянинг баъзи нашрлари ёзганидек, Россия Федерацияси тинчликпарвар кучлари бўлган жойларда уларни қимоя қиладиган ҳеч ким бўлмайд.

Арманистоннинг кўплаб манбалари Вазирлар Маҳкамаси раҳбарининг мамлакат манфаатларига хиёнат қилганига ишора қилмоқда: "Никол Пашинян



армиянинг жанг қилишига тўсқинлик қилиб, шармандали таслим бўлишга имзо чекди. Никол Пашинян энди автоматик равишда қонунийлигини йўқотди. У энди Арманистоннинг қонуний Бош вазири эмас", деб ёзган Armenian Military Portal манбаси ва Арманистон армиясининг 40 минг аскарлари ўз қазармаларини ҳали тарк этмаганлигига ишора қилган.

Ушбу фонда Россия қўшинлари Қорабоғ ҳудудига тезкорлик билан кириб келмоқдалар. Воқеалар Озарбайжон кучларининг хато тўфайли Ми-24 вертолётини тасодифан уриб туширишидан сўнг тезлик билан ривожлана бошлади. Фарб нашрлари дарҳол вертолёт кулашининг мумкин бўлган оқибатларига эътибор қаратдилар:

Иккала (урушаётган томонлар) би-

лан алоқалари ва таъсирини ҳисобга олган ҳолда, Россия бу можарони тугата оладиган ягона кучдир. Эҳтимол, бу сўнгги воқеа Россияга туртки берган – дея қайд этади Forbes.

Анъанавий равишда Арманистонни қўллаб-қувватлайдиган грек матбуоти Москвага қарши сарлавҳалар билан чиққан: "Бугун Арманистон тарихидаги "қора" саҳифалардан бири. Ереван Эрдоғанининг шартларини қабул қилди ва Россия яна бир бор ўзининг ҳақиқий юзини намойиш этди", деб ёзган Pentapostagma ресурси.

Шу фонда Туркия оммавий ахборот воситалари қатор ҳудудларни сақлаб қололмаган Греция, Арманистон ва Кипрнинг яқинлашувини "омадсизлар иттифоқи" деб атамоқда. Қуриниб турибдики, барча муаммоларда Кремлни

айблаш ўзининг ожизлигини тан олишдан кўра осонроқдир.

"Тоғли Қорабоғдаги зиддият яна узоқ вақтга музлатиладиган бўлди. Озарбайжон ярим ғалаба билан ташаббусни қўлдан берди. Озарбайжон Хонкенди (Степанакерт) шаҳрини, Тоғли Қорабоғни тўлиқ қўлга киритиш имконияти бордек кўринаётган эди. Лекин урушти тўхтатишга рози бўлди, – дея ўзгачароқ фикрини билдирган сиёсатшунос Камолиддин Раббимов. – Боқунинг бу келишувга борганига бир қанча сабаблар бўлиши мумкин: Биринчиси, ҳарбий толиқиш, ҳарбий-техник ва иқтисодий ресурсларнинг тугаб бораётганлиги. Иккинчиси, Россияга тегишли вертолётнинг уриб туширилиши оқибатида пайдо бўлган қўрқув ва мана шу қўрқувдан фойдаланиб, дипломатик ва сиёсий ташаббусни Москва қўлига ўтиши.

Ҳозирги ҳолат икки томонни ҳам қониқтирмайди, муаммони ечмайди, фақат орқага ташлайди. Энди Арманистон катта куч билан янги урушга тайёрланади. Озарбайжон йиллар давомида бу урушга яширин тайёрланган бўлса, энди томонларни янги урушга тайёрланиши очик ва агрессив куриши олади. Бу зиддият геосиёсий қиёфага ҳам эга.


Энди иқтисодий чекланган Арманистон қуроллантириш ташаббуси Фарбнинг баъзи давлатларига ўтади. Улар Озарбайжон тимсолида "кичик Туркия"ни, Эрдоғанин жазолаш имкониятини кўришади. Демак, бу музлатилган зиддиятда Фарб-Туркия, Россия-Туркия, мусулмон-христиан, еврохристиан-туркий халқлар тўқнашув чизиқлари янада кучаяди, аниқроқ кўриниш касб этади".

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ДРОН-ТАКСИЛАР СИНОВДАН ЎТКАЗИЛЯПТИ

Жанубий Корея пойтахти Сеулда илк бор дрон-таксилар синовдан ўтказилди, дея хабар бермоқда "Евроноус".

Транспорт вазирлиги ва Сеул ҳокимлиги ҳамкорликда ўтказган синовда олти учувчисиз такси Ханган дарёси устидан учиб ўтди. Икки ўринли ушбу такси Хитойнинг Ehang компанияси томонидан ишлаб чиқарилган. Синов пайтида таксида одам йўқ эди, лекин ичига одам оғирлигига тенг юк қўйилди. Дронларнинг мақсади турли хил эди, масалан, жўнатмани етказиб бериш, йўл ҳаракатини таҳлил қилиш ва кузатув.

Кореялик муҳандислар электрда ишлайдиган, вертикал равишда кўтарилган ва кўна оладиган самолётлардан фойдаланган ҳолда йирик шаҳарларда янги транспорт хизматини йўлга қўйиш ва шу тариқа кўчалардаги тирбандликни камайтириш устида бош қотирмоқда. Ҳукумат эса дрон-таксилардан фойдаланишга имкон берадиган йўл ҳаракатини бошқариш тизимини 2025 йилдаёқ татбиқ этмоқчи.



Франция тан олди: "МУСТАМЛАКАЧИ СИФАТИДА ЖИНОЯТЛАРГА ҚЎЛ УРГАНМИЗ..."

Франция Маданият вазири Розлин Бошло мустамлакачилик жиноят ва ваҳшийлик эканлигини, Франциянинг бунда ҳиссаси борлигини тан олиш кераклигини таъкидлади.

У L'Opinion газетасига берган интервьюсида Сенегал ва Бенинга тегишли баъзи моддий бойликларни ушбу давлатларга қайтариш ҳақидаги қонун лойиҳаси Сенатда тасдиқланганини айтиб ўтди. "Эммануэл Макрон (Франция президенти) айтганидек, мустамлакачиликнинг жиноят ва ваҳшийлик эканлигини, биз ҳам буларга қўл урганимизни тан олишимиз зарур", – деди вазир.

Макрон 2017 йилда сайловолди кампанияси чоғида Жазоирга борганида мустамлакачилик инсониятга қарши жиноят эканлигини айтган эди.

Франция 1524 йилда Африкада мустамлакачилик фаолиятини бошлаб, қитъанинг фарби ва шимолида йигирмадан ортиқ мамлакатда ҳукмронлик ўрнатган. Африканинг 35 фоизи 300 йил давомида Франциянинг мустамлакаси остида бўлган. Французлар мустамлакачилик йилларида мисли қўрилмаган қирғинларни амалга оширган.

ТУРКМАНИстонДА АЛАБАЙ ИТИГА ҲАЙКАЛ ЎРНАТИЛДИ


Туркменистон президенти Гурбангули Бердимухамедов 10 ноябр кунини Ашхободнинг Кеши туманида 12 қаватли янги тураржойлар, алабай итига бағишланган ҳайкал-ёдгорлик ва Gul zemin савдо мажмуасини очиб берди.

Ҳудудда 16та янги кўпқаватли уй қурилган, унга мингдан ортиқ оила (тахминан 5 минг киши) жойлашган.

15 метрлик алабай ити монументи 36 метрлик диагоналда жойлашган, ит ҳайкали узунлиги эса 6 метрни ташкил этади.



Интернет материаллари асосида У. ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади




Хайрих БЕЛЛ,
олмон адиби

Хайрих БЕЛЛ

ЭЛЧИ

(Ҳикоя)



“Сўнгра секин, эҳтиёт бўлиб йўлни изладим, чунки вокзалга борганимча ҳар лаҳзада бу зулмат мени ўз қаърига тортиб кетишидан қўрқардим. Кичкина чироклар ўлик уйларни ёритиб турар ва узоқ-узоқлардан янаям катталаштирарди.”

Уша мўъжазгина, кичкина, биров ифлосроқ жойни, поездлар билан тўла шоҳбекат, бир жуфт пастқам уй узра чексиз ва деярли вайрон бўлиб кўзга яққол ташланиб турган фабрика, атрофда ҳосилсизликдан лаънатланган далаларни биласизми? Бирор дарахт ёки минорани кўрмаганликларни сабабли маъюсликлари ни ҳис қиладиларми? Ниҳоят, ниҳоят, яна поездда жўнаб кетишга рухсат олган қизил шапкали киши баландпарвоз сўзлар ёзилган лавҳа остидан ғойиб бўлди. Ҳеч ким ишлов бермаган поёнсиз далалар узра шафақ таралиб кетганди.

Поезддан тушган ёлғиз мен эмас эдим, катта жигарранг пакет билан ёнимдаги купега чиққан кекса хоним кимдан йўлни сўрашни билмай бир лаҳза атрофга маҳзун разм солиб кичкина бетартиб вокзалдан чиқаётганимда у ерга беҳол чўкканини кўрдим. Ҳеч ким яшамаётган, сукунат ҳукмрон дезазали гиштин уйлар ва сарғиш маҳзун пардалар ҳамда нураётган қоп-қора деворлар бўйлаб бурилиб кетган кўча кўринарди. Мен зим-замбил девор бўйлаб борарканман, ўлик сукунат у чўккан уйларни тақиллатишга кўрқардим. Сўнгра бурчакка бурилдим ва аранг ўқиладиган “Хўжалик” лавҳаси олдидаги ҳаворанг соясида оппоқ ҳарфлар билан аниқ, тушунарли қилиб ёзилган “Марказий кўча” сўзларини ўқидим. Бинонинг қийишқ томонидидаги бир жуфт деворнинг оҳақлари кўчган уйлар ва рўпарасида ёлғизликдан зерикаётган қирол қасрини тўсиб қўйгандек узун, дезазасиз, зим-замбил фабрика девори қад ростлаганди. Қалб амрига кўра чап томон юрдим, аммо бирдан йўл тугаб қолди. Чамаси ўн метрлардан сўнг яна девор бошланарди, сўнгра яшилликнинг сўнги шўъласи милтиллаб турган, қайсибир бир бурчакда уфқ чўкиб бораётган текис, қорамтир дала бошланиб кетганди ва мен дунёнинг сўнги ери - тубсиз жарлик олдида тургандек кўрқинчли туйғуни ҳис қилдим.

Чап томонда гўё ишчилар иш соати сўнгида курганларидек кичкина, пастқам уйча турарди; биров чайқалиб, тебраниб уйчага яқинлашдим. Қимирлаб қолган, анчагина эскирган эшикни секин очганимда, гул ва барглари тўкилган атиргул бутасини кўриб, номерига қараб бу ўнг томондаги уй эканлигини билдим.

Бўялган яшил ранглари аллақачон ўчиб кетган дўконлар худди елимлангандек маҳкам қулфланган эди. Тарновларига бемалол кўлим етадиган томига зангланган симлар чирмаб ташланган эди. Олис манзилларнинг чеккалари узра соат сайин оҳиста тушиб бораётган шом қоронғулиги бениҳоя сукунатни қамраб олган эди. Мен бир лаҳза эшик олдида ҳозироқ шу дунёни тарк этсайдим, деб орзу қилиб нафас олишга-да жазм эта олмай туриб қолдим, шунда бу ерда туриш ўрнига, ичкарига кириш учун ...эшикни тақиллатиш учун кўлимни кўтарганимда, ичкаридан шўх аёл кулгусини эшитдим. Бу жозибадор сирли кулгу кайфиятимни кўтарди ҳамда юрагимни қамраб олди. Ҳар ҳолда кулаётган аёл ёлғиз эмас деб ўйладим ва кенг далалар узра чўкиб бораётган оқшом шафагининг заъфарон нури каби энг сўнги кучимни

тўплаб ўзига жалб этаётган эшикни зўр иштиёқ билан яна қўқдим.

Авал жимлик, сўнгра пичирлаш, яна шиппакиннинг секин, оҳиста судралиши эшитилди, эшик очилгач, сариқ сочи, ёноқлари қизил аёлни кўрдим ва у менда сониялар ичиде ожиз чироқ нурида маъюс акс этаётган Рембранднинг суратидаги маъсума аёлдек таассурот қолдирди. Олтинранг ложувард жусса чироқ нурида менинг олдимда абадий ҳорғинликнинг тимсоли каби гавдаланди.

Ҳарбий шапкамини кўлимга олиб хаста овозда “Хайрли оқшом” деганимда титраётган кўллари билан эшикни ушлаб кўрқиб биров орқага чекинди, чехрасидаги кўрқувни енгмоқчи бўлгандек, дарҳол ўзини кўлга олди ва биров жилмайиб “Хайрли оқшом” деди. Кичкина дахлиз қоронғулигида аллақандай бир эркак кўриниб дарҳол ғойиб бўлди.

– Менга Бринк хоним керак эди, – дедим секингина.

– Хўш, – деди маъсума овоз эшикни асабий очиб. Эркак қоронғуликда ғойиб бўлганди. Эски мебеллар билан жиҳозланган овқат ва сигарета қолдиқларининг ҳиди уфуриб турган тор хонага кирдим. Чироқ нурида у янаям ҳаяжонланаётганида оппоқ кўллари билан дераза ромини лайпаслади, ранглар чехраси сўлгин, фақат қизғиш жилланаётган сочлари нам ва чиройли эди. Тугмаларини ўтказганига қарамасдан, титраётган кўллари билан кўкраги устидидаги қипқизил кўйлагининг тугмаларини янаям маҳкамроқ қадарди. Сўнги ҳукмини эшитиш учун суд олдида тургандек унинг нигоҳида ва мовий кўзларида дахшатли кўрқинч ҳамда талваса зоҳир эди.

– Кўрқманг, – дедим лабларимни тишлаб ва шу лаҳзада гапиришни бошлаш ниҳоятда оғирлигини ҳис қилиб нимадан бошланиб билмай турганимда, унинг ўзи хотиржам деди:

– Мен ҳаммасини биламан, у ўлган ... ўлган шундайми?

Мен фақат бошимни силкита олдим. Унинг сўнги қадри нарсаларини унга топшириш учун сумкамни очдим, аммо шу лаҳзада дахлиздан йўғон бир овоз:

– Гитта! – деб чакирди.

У менга биров шубҳаланиб қаради, сўнгра эшикни ёпиб бақириб деди:

– Жин урсин, беш дақиқа кут, – дея аёл эшикни ёпаётганда, киши кўрқиб печка ортига яширинганига кўзим тушди. Аёлнинг кўзларида тантанавор, голибона ғазабини кўрдим.

Барча хотираларни акс эттирувчи суратли солдат ён дафтери ҳамда соатни оҳиста яшил дастурхон устига қўйдим. Шунда у бирдан титраб, ўқиб хўнграб йиғлаб юборди. Маъюс, гўзал чехрасини юваётган кўз ёшлари оппоқ, титраётган бармоқлари орасидан оқиб тушарди. Чап кўли билан шўрликнинг нарсаларини силаб, ўнг кўли билан столга таяниб диванга чўкди. Хотиралар уни ўз исқан-жасига олгандек кўринарди. Шунда мен амин бўлдимки, уруш тугамас экан, ҳеч қачон ҳеч қаерда, у етказган жароҳатлар битмайди. Узимдаги кўрқув, юпанч ва нафрат туйғуларини бир четта суриб титраётган елкага кўлимни қўйганимда, у менга таажубланиб қараркан, ўша

вақтда юз марталаб кўрганим суратдаги чиройли, сеvimли қизга ўхшаш чехрага биринчи ва сўнги бор назар солдим.

– Бу қаерда бўлди? Шимолдами? Илтимос давом этинг.

Унга қараганимда ҳамон кўз ёшлари нигоҳларини юварди.

– Йўқ... ғарбада, тутқунликда... биз жуда кўп эдик...юз мингдан ҳам кўпроқ...

– Қачон? – ҳаёти менинг жавобимга боғлиқдек нигоҳларида сирли жўшқинли акс этди.

– 45-йил, июлда, – дедим оҳиста.

У бир лаҳза хаёлга толди, сўнгра ниҳоятда самимий ва гуноҳлардан фориг жилмайди. Нима учун жилмайганини пайқагандек бўлдим.

Аммо шу лаҳзада бирдан мени уйдан қочиш истаги қамраб олди ва ўрнимдан турдим. У ҳеч бир сўз демасдан менга эшикни очди, мени бир неча сония тўхтатиб қолмоқчилигини сезиб, у ортимдан чиққунича ўжарлик билан кутдим. У кичкина, нозик кўлларини менга узатаркан хўрсиниб деди:

– Билардим, уч йил олдин – мен уни вокзалга олиб борганимда, билгандан бунга, – сўнгра яна секин қўшиб қўйди:

– Илтимос, мендан нафратланманг.

Юракдан айтилган бу сўзлардан чўчиб тушдим, эй худо, наҳот мен судья каби кўринган бўлсам? Ўртадаги тўсиқни бартафат этиш учун бу кичкина, нозик, оппоқ кўллари ўпдим, бу ҳаётимдаги биринчи ўпган аёл кўллари эди.

Қоронғи, ташқарида ёпилган эшик олдида бир лаҳза кўрқиб диққат билан кулоқ солдим. Шунда ичкаридан мени ажратиб турган ёғоч эшикка унинг сўянганча титраётган, хўрсинган йиғисини эшитдим ва, айни пайтда, у барча туйғуларини шу уйда дафн этишини ҳамда ўзини кўлга олишини жуда-жуда истадим.

Сўнгра секин, эҳтиёт бўлиб йўлни изладим, чунки вокзалга қайтиб борганимча ҳар лаҳзада бу зулмат мени ўз қаърига тортиб кетишидан қўрқардим. Кичкина чироклар ўлик уйларни ёритиб турар ва узоқ-узоқлардан янаям катталаштирарди. Қора деворлар ортида чексиз, катта ҳовилларни ёритишга уринаётган чирокларнинг заъфарон нури кўринарди. Оқшом тунд ва туманли эди.

Мўъжазгина, кичкинагина кутиш залида мендан ташқари совуқдан титраётган икки кекса киши бурчакда қунишиб ўтиришарди. Кўлимда сумкам билан, шапкамини қулоғимгача бостириб узоқ кутдим, чунки совуқ бутун танамдан ўтиб борарди.

– Бир бўлак нон ва озгина товуқ гўшти бўлсайди, – пичирлади ортимдаги киши. Рўпарамдаги заиф нур сочаётган чирокларга яна бир бор боқиш учун эгилдим, аммо шу лаҳзада эшик очилиб, хизматдаги қизил шапкали киши вокзалнинг кутиш залига қараб:

– Келнга кетадиган йўловчилар поезди йигирма дақиқа кечикади, – деб огоҳлантирди.

Бу ҳаётимнинг тутқунликдаги сўнги лаҳзалари эди.

Немис тилидан
Шаҳноза ҚУВОНОВА таржимаси



АНДИЖОНДА "ЎЗМОБАЙЛ"НИНГ САВДО ОФИСИ ЯНГИЛАНДИ

Компаниянинг биринчи замонавийлаштирилган савдо ва хизмат кўрсатиш офиси Андижон шаҳрида ўз эшикларини очди ва мунтазам тартибда ишлашни бошлади. Кенг, замонавий офис халқаро стандартлар ва тажрибага мос равишда жиҳозланган, шунингдек, оператор ва абонентларнинг ўзаро алоқалари жараёнини содда-лаштирадиган барча зарур технологиялар билан жиҳозланган. Бу ерда бир вақтнинг ўзиде мобил алоқа хизматларини улайдиган жисмоний шахслар, корпоратив мижозлар, шунингдек, кенг полосоли интернетга ула-ниш имкониятлари мавжуд.

– Мобил алоқа соҳасида нисбатан қисқа вақт хизмат кўрсатишимизга қарамай, биз катта марраларни забт этдик. Бу йил биз 5 йиллик юбилейимизни нишонладик, бир йил ичи-да абонентлар базаси икки баробар кўпайди ва бугун биз 7 миллионлик кўрсаткичга яқин-лашмоқдамиз! Ва биз бу мар-рада тўхтамаймиз. Ушбу кўрсат-кичлар биз учун, албатта, кат-та аҳамиятга эга. Ўзбекистонда-ги барча мавжуд савдо ва хиз-мат кўрсатиш офисларининг ўзгариши компаниямизни мо-дернизация қилиш ва такомил-лаштириш йўлидаги яна бир қадамдир. Умид қиламизки, ушбу қўлайликлар аҳоли томи-дан илиқ қарши олинди ва



ишончли муносабатларимизни ўрнатиш учун асос бўлади, – деди "Ўзбектелеком" АК "ЎзМобайл" филиали директори ўринбосари Жавлон Исломов очилиш маросимида.

Дарҳақиқат, 2020 йилни UZTELECOM учун тўлиқ модернизация йили деб ҳисоблаш мумкин, бу ҳам компаниянинг техник қисмига, ҳам хизмат кўрсатиш соҳасига ижобий таъ-сир кўрсатди. Миллий оператор тақдим этилаётган хизматларни такомиллаштириш ва яхшилаш устида доимий ишлаб, аҳоли ис-таклари ва талабларини инобат-га олишга интилади. Компания жамоаси бутун республика бўйлаб мобил алоқа тармоғини модернизация қилиш бўйича йирик лойиҳани муваффақият-ли яқунлади. Натижада мавжуд

бўлган барча таянч станциялар 3G ва 4G (LTE) стандартлари-гача модернизация қилинди, бу эса ўз навбатида, мобил интер-нет сифати ва мамлакатнинг барча ҳудудларидеги қамрови-ни сезиларли даражада яхши-лашга олиб келди.

– Мижозларимизни Анди-жон шаҳридаги янги замонавий офиси очилишида кўриб тур-ганимиздан жуда хурсандмиз, – дейди "ЎзМобайл"нинг Ан-дижон филиали тижорий фао-лиятни ривожлантириш ва му-вофиқлаштириш бўлими бош-лиғи Ғайрат Зухриддинов. – 2020 йил компаниямиз учун жуда омадли келди. Республи-камиз, жумладан, Андижон вилоятида ҳам кўплаб база станциялар ўрнатилди. Мавжуд база станцияларимиз 4G стан-дартга ўтказилди. Мижозлари-миз сони икки баробар оши-рилди. Компаниянинг концеп-циясига кўра, барча вилоятлар-да замонавий Hi-tech усулда офислар очилиши режалашти-рилган. Ва шунини мамнуният бил-ан айтиш керакки, бу офис-ларнинг биринчиси Андижон шаҳри марказида очилди. Офи-симизда хизмат кўрсатишнинг электрон навбат тизими жорий қилинган, операторларимиз ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсларга хизмат кўрсатишди.

Фаррух АЛИЕВ
олан суратлар.

БУВАЙДА ЖАМОАСИГА ОМАД КУЛИБ БОҚДИ

Тиббиётда айтилишича, спорт шарофати билан суяқлар мустаҳкамлашиб, жароҳатларнинг олди олинар, юрак эса бақувватлашиб, инсулт ва инфаркт, турли аъзоларда усма касалликларининг келиб чиқишига барҳам берилар экан. Шунингдек, қон айланиши яхшиланади, кайфият кескин кўта-рилиши ҳисобига инсондаги тушқунлик йўқолиб, вазн орти-ши, стресс ҳолатларидан фориғ этиларкан...

Хукуматимиз томонидан со-ғлом турмуш тарзини қарор топ-тириш юзасидан берилаётган кўрсатмалар асосида Фарғона ви-лоят ҳокимлиги қатор ташаббус-лар билан чиқди. Жумладан, ҳоким-ликнинг жорий йил 16 октябрда-ги топшириғига кўра, вилоятдаги корхона ва ташкилотлардаги каби мини-футбол мусобақаларига "Ўзбектелеком" АК Фарғона фили-алининг барча шаҳар ва туман боғ-ламаларида жиддий тайёргарлик-лар кўрилди. Уларда 24та жамоа қатнашди.

Инсон руҳиятини соғломлаш-тиришда спортнинг нақадар аҳамиятли экани ўйинлар қизгин тус олиб, завқ-шавқ борган сари кучайганида намён бўлди. Вани-ҳоят, "Азамат!", "Қойил!" каби хи-тоблар билан мусобақага яқун ясалди. Қувасой ШТБ, филиалнинг техник гуруҳи, Бувайда туман ТБ вакиллари энг кучли жамоалар-дан экани маълум бўлди. Филиал техник гуруҳи билан Бувайда ТБ жамоаси кучлари тенг келгани боис пенальти зарбасида бувай-далик йигитлар қўли баланд кел-ди. Спортчилар ҳам, томошабин-лар ҳам голибларни ҳайқирдиқлар ва хитоблар билан олқишлашди. Мана шу лаҳзалар ҳам инсон им-кониятининг нақадар чексизлиғи-ни кўрсатди. Бош ҳакам Собирхон Аъзамов гарчи бундай ўйинлар-ни кўравериш, кўзи пишиб кет-ган бўлса-да, спортчи телекомчи-лар билан баб-баравар ҳаяжонла-ниб, голибларни табриклашга, шундай деди:

– Бувайда ТБ жамоаси жуда аҳиллик ва ажирлик билан ўйна-ди. Ғалаба мусобақаларга тайёргар-лик кўрилган санокли кўнлардаги-на эмас, жисмоний машулотлар-ни қанда қўлмайдиган, дам олиш

кўнларининг ақали 3-4 соатиниги-на спортга бағишлайдиганларга насиб этади. Шу гапим ёдингизда бўлсин, хизматда ҳам, спортда ҳам омад меҳнат-машаққатлардан кўркмайдиганларга кулиб боқай.

Шундан кейин филиал бош-лангич касаба уюшмаси кўмитаси раиси Муроджон Аъзамов қувасойликларга бронза, фили-ал техник бўлими жамоаси аъзо-ларига кумуш, бувайдаликларга олтин медалларни қарсақлар ос-тида топширди. Айниқса, филиал кубоги тақдими онларидеги шодонлик ўзгача бўлди. Муҳими, ҳамма хурсандчилик билан голибларни муборакбод этди. Ҳар бир ўйинчиға қимматбаҳо совга-лар берилди.

Филиал жамоасининг "энг зўри" дея таърифланган аъзоси Лутфилложон Болтабоев мусобақа-нинг одил ва ҳолисона ўтказилга-нидан мамнунигини билдириб, бувайдалик Муҳаммадали Раҳмо-нов, Соибжон Акбаров ва Хуснид-дин Муқимовлар ўйинидаги шижо-атдан хайратда қолганини яшир-мади: Мини футболчи деганлари мундоқ бўлибди!

Юртбошимизнинг раҳбарлар, ҳатто вилоят ҳокимлари ҳам ўзи истиқомат қилаётган маҳаллада соғлом турмуш тарзини тарғиб этсинлар, дея таъкидлагани кат-та кичикка таалуқли, албатта. Шу уринда Қувасой ШТБ бошлиғи Раҳмонберди Каримжоновнинг жамоага бош бўлиб, ғайрат бил-лан ўйнагани таҳсинга лойиқ бил-сам, мусобақалар голиблик наши-даси билан спортчи ҳаётда учмас из қолдирар ва бунинг сирлари беҳад кўп экан. Асосийси, соғлом вужуд тантанга қиларкан.

С.ҲАФИЗОВА

Обуна 2021

ҚАР ЖУМА ТОНГИНИ МАЪРИФАТ БИЛАН ҚАРШИЛАШНИ ИСТАЙСИЗМИ?



УНДА "ХАВАР"ТА ОБУНА БЎЛИНГ!

ОБУНА ИЛДИС: 228

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуни-кацияларини ривожлантириш вазирлиғи жамоаси алоқа соҳаси фахрийси Фарҳод УМАРХОДЖАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзола-рига чуқур таъзия изҳор этади.





АРТРИТДАН АЗИЯТ ЧЕКЯПСИЗМИ?

Артрит бу отоиммун касаллик бўлиб, ёшга боглиқ хасталик ҳисобланмайди. Чунки энди бу фақат 45 ёшдан ошганларга тааллуқли эмас. Бу бугин ва суяклар огриги билан кузатиладиган касаллик. Бунда кўёш нурларидан кунлик тўғри баҳра олиш, шунингдек, зайтун мойи, кўк чой, қорагат (смородина) ва бошқа шу сингари калций ва витамин B12 микроэлементлари билан таъминлайдиган озиқ-овқатларнинг мавжудлиги каби бир неча маслаҳатларга амал қилиш муҳимдир.

Бу, асосан, овқатланиш вақти, озиқ-овқат таркиби ҳақида қайғурмайдиган ўспирин авлодларга кўпроқ тегишлидир. Остеопороз ёш беморларда ҳам суякларда калций етишмаслигини англайди. Шу тарзда ёш беморларда эрта артритга чалиниш хавфи ортади.

Демак, ҳолатингизни ёмонлаштириши мумкин бўлган бир неча озиқ-овқатлар рўйхати:

Шакар кўшилган егуликлар артритни ривожлантириш учун хавфли омил бўлиши мумкин.

Қайта ишланган шакар: шоколад, музқаймоқ, газли ичимликлар, умуман олганда барча ширинликлардан парҳез қилганингиз маъқул.

Қизил гўшт: қизил гўшт муаммоингизни янада кучайтириши мумкин. Бу артритда яллиғланиш манбаи ҳисобланади.

Ҳаддан ташқари туз истеъмол қилиш: консервланган шўрвалар ва таркибида туз миқдори кўп бўлган овқатлардан сақланг.

Қовурилган овқатлар: қовурилган таомлар яллиғланишни кучайтириши ва артритни ҳаддан ташқари оғирлаштириши мумкин. Чунки улар таркибида омега-ёғ кислоталари кўп бўлади.

Мунтазам равишда истеъмол қилиниши керак бўлган маҳсулотлар:

Мевалар: қуритилган олхўри, анор, узум, шафтоли, олма, қорагат, мавсумий мевалар ҳар доим соғлиқ учун фойдали. Ҳар бир инсон умумий саломатлигини яхшилашга ёрдам бериш учун мунтазам мева истеъмол қилиши керак.

Зайтун мойи артрит билан огриган беморлар учун фойдалидир.

Ёғлар: зайтун мойи, балиқ ёғи суяклар учун жуда фойдали.

Ўсимликлар: ашваганда (итузум оиласига мансуб ўсимлик) ва салаки (Ҳиндис-



тон, Малайзия, Индонезия, Мянма, Таиланд, Хитой ва Филиппинда ўсадиган палмадошларга мансуб дарахт қатрони (смоласи) кучли яллиғланишга қарши восита) суяклар учун кони фойда.

Бошоқли донлар: буғдой, сули, маккажўхори, гуруч, арпа.

Зирavorлар: занжабил ва саримсоқ, Калций асосан сут маҳсулотларида учрайди, шунинг учун сиз парҳезингизга мунтазам равишда творго кўшишингиз керак.

Мушакларнинг яхши ишлаши учун вегетарианларга B12 витаминига бой маҳсулотлар керак. Бу витамин янги узилган мевалар ва яшил सबзавотларда кўп.

Ушбу маҳсулотлар оксидловчи стрессни камайтиради. Бундан ташқари, бугимларнинг қаттиқлиги ва огригини камайтиришга ёрдам беради.

УЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

САБОҚ ОЛИШНИ ТЎХТАТГАН ОДАМ, ЎН САККИЗ ЁКИ ЙИГИРМА ЁШ БЎЛАДИМИ – У ҚАРИЯДИР. САБОҚ ОЛИШДА ДАВОМ ЭТАДИГАН ОДАМ ЭСА ЁШЛИГИЧА ҚОЛАДИ.

ГЕНРИ ФОРД

ИБРАТ

ПОДШОҲ ВАЗИРИДАН УЗР СЎРАДИ

Бир подшоҳнинг оқил маслаҳатчиси бўлиб, неки воқелик бўлса: “Бунинг ҳам бир ҳикмати бор”, деб кўяр эди. Кунларнинг бирида дастурхон устида ўтирган подшоҳ кўлини кесиб олди. Атрофдашлар юзуриб келишди. Подшоҳ маслаҳатчиси одатдагидек: “Бунинг ҳам бир ҳикмати бор”, деди. Бу гапдан газабланган подшоҳ: “Кўлимни кесиб олишимда қандай ҳикмат бўлиши мумкин? Сен аҳмоқсан. Уни зиндонга ташланг, таъзирини есин!” дея амр қилди. Аскарлар маслаҳатчини судраб кетишар, шу ҳолатида ҳам у мудом: “Бунинг ҳам бир ҳикмати бор, ҳикмати бор”, дея тақоррор эди. Маслаҳатчисининг гапларидан подшоҳнинг баттар энсаси қотибди: “Бу жинни бўлиб қолганми, нима бало?.. Ўзини зиндонга олиб кетишяпти-ю яна тагин “Бунинг ҳам ҳикмати бор”, дейди-я, аҳмоқ! Зиндонда ётишда нима ҳикмат бўлиши мумкин?!”

Подшоҳ аёнлари билан ўрмонга кийик овига чиқиб кетибди. Маълумки, кийик ўта сезgir ҳайвон, шу боис подшоҳ, аёнларини узокроққа қолдириб, ўрмонга ёлғиз кирди. Подшоҳ кийикни пойлаб, билдирмай таъқиб қилиб, бора-бора қаёққа келиб қолганини билмай ҳам қолди. Шу пайт ёввойи қабилани кишилардан бир нечаси подшоҳнинг асир олишди. Подшоҳ овози борича бақирар, лекин аёнлардан биронтаси унинг гапларини эшитмасди.

Ўша ёввойи қабиллада бир одат бўлиб, нима асирга тушса, ҳайвонми-одамми – фарқи йўқ; уни илоҳалари учун қурбонлик қилишар экан. Подшоҳ ичидан йиғлар, шу аҳволда ўлиб кетишидан қаттиқ афсус чекар, аммо тақдирга тан бермоқдан бошқа иложи ҳам йўқ эди.

Бир пайт қабилани орасида гала-говур бошланибди. Ниҳоят,

улар орасидан биттаси келиб, подшоҳнинг оёқ-қўлларини ечибди-да, “Бор кетавер! Бизга керагинг йўқ!” дебди.

Подшоҳ ажабланиб: “Бу бир ҳийлами? Мен қочиб кетаётганимда ўлдириш режасими?” дебди. Қабилани вақили шундай жавоб қилибди: “Йўқ. Сенинг битта бармогинг кесилган экан. Биз олиҳамизга айбсиз, нуқсонсиз, мукаммал одамни қурбон қиламиз”.

Подшоҳ ортига қайтиб кетар экан, беҳтйёр оқил маслаҳатчисининг гапини эслабди: “Бунинг ҳам ҳикмати бор...”

Саройига келган подшоҳ оддан тушар-тушмас амр этибди: “Зудлик билан маслаҳатчининг озод этиб, ҳузуримга келтиринлар!”

Маслаҳатчи ҳузурига келган, аввал ундан узр сўрабди. Сўнг: “Ажиб иш содир бўлди. Аллоҳ таоло мени кесилган бармоғим сабаб ўлимдан нажот берди. Бармоғим кесилишидаги ҳикмат нима эканлигини билдим. Лекин бошқа бир нарса менга жумбоқ бўлмоқда. Аскарлар сени қамоққа олиб кетишяётганида ҳам “Бунинг ҳам ҳикмати бор”, дединг. Ҳўш, бунинг ҳикмати нима?” дебди. Маслаҳатчи: “Эй подшоҳим, овда доимо мени ҳамроҳ қилмасидингиз?” Подшоҳ: “Тўғри, фақат сен билан овга борар эдим”. Маслаҳатчи: “Агар мени зиндонга ташламаганингизда сиз ила овга чиққан, ўша қабиллага бирга асир тушган бўлар эдикки, сиз бармоғингиздаги жароҳат сабаб ўлимдан қутулиб қолар, мени эса олиҳалари учун қурбон қилишар эди. Чунки менда жисмоний нуқсон йўқ, бармоғим ҳам кесилмаган”, дея жавоб берибди...

Подшоҳ Аллоҳ таоло амр этган тақдирдан яна бир қарра ҳайратга тушибди: “Ҳар бир ёмонлик ортидан биз билмаган яхшилик ҳам бўлар экан...”

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шуҳрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Усмоножон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоиси келишилган нархда.

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри, Амир Темури 1-тоғ кўчаси, 2-уй (мўжжал: Олай бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31, факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ. Навбатчи: Усмоножон ЙЎЛДОШЕВ.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 17.00. Босишга топширилиши вақти — 24.00.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақам билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кунини чикади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-1157 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 3956 нуска.